СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Г. А. ШМИДТ

ИРҚЛАР ВА ИРҚЧИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚИҚАТ


ЎЗДАВНАШР
ТОШКЕНТ — [illegible]

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Г. А. ШМИДТ

ИРҚЛАР ВА ИРҚЧИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Хабибуллаев таржимаси



ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1942

На узбекском языке

Г. А. ШМИДТ

ПРАВДА О РАСАХ И РАСИЗМЕ

Госиздат УзССР

Ташкент — 1942

Таржиманинг редактори *Л. Мурадов.*

Босишга рухсат этилди 4|VII—1942 й. Р 7421. Печатний листи 3,0. 1 печатний листида 41934 ҳарф. Учёт. авт. листи 3,2. Тиражи 5000. Баҳоси 1 с. 10 т.

№ 1 Тошкент босмахонаси. 1942 й. Заказ № 1073.

1. ИРҚЧИЛИК — ҚУЛДОРЛАР ИДЕОЛОГИЯСИДИР

Ирқчилик — фашистлар, йиртқичлар ва инсоният душманларининг энг асосий идеологик ва сиёсий қуролларидан биридир. Фашистлар гарчи ҳаммавақт миллатчилар, шовинистлар, босқинчилик уруши тарафдорлари, бошқа халқларни забт этиш ва қул қилиш тарафдорлари партияси бўлиб келган бўлсалар ҳам, лекин сурбетлик блан ўзларини национал-социалистлар деб атадилар.

Фашистлар ўзларининг «ирқ» сиёсатларини илмий негизга қурилган сиёсат деб да'во қилмоқдалар. Фашистларга хос бўлган бу «фан» немис халқини ғоят юқори даражада турган миллат деб, бу миллат орасида эса бир тўда «олий» ҳукмдорлар бор деб тарғиб қилишдан ва бошқа халқларга, бошқа миллатларга ва мамлакатларга нафрат блан қарашни ва уларни менсимасликни авж олдиришдан иборат.

Фашистлар одамларни кўплаб қатл этиш ва ўлдиришни, урушларда жуда кўп кишиларнинг қирилишини давлатнинг соғломлигини та'минлайдиган савоб иш деб, «ирқ гигиенаси

учун раво» иш деб э'лон қилдилар. Фашистлар мана шундай ўлдириш ва қирғин вақтида унчалик даркор бўлмаган унсурлар йўқ бўлиб кетади ва хийли даркор унсурлар ўзларини сақлаб қоладилар, бу эса «ирқ» нинг соғайишига сабаб бўлади, деб сурбетлик блан да'во қилмоқдалар.

Бундай «фан» ҳарқандай ёвузликни оқлаш учун жуда кулай воситадир. Фашистлар Европанинг забт этилган ва босиб олинган мамлакатларда очликдан ўлаётган сон-саноқсиз аҳолини асло аямайдилар; уларнинг фикрича, «нодаркор», «паст» унсурларгина ҳалок бўлади, буларнинг ўрнини эса даркор унсурлар олади.

Улуғ Чарлз Дарвиннинг табиий танланиш тўғрисидаги буюк идеяси мана шундай разиллаштирилиб ва қабиҳлаштирилиб таҳқир қилинди.

Табиий танлаш одамлар жамиятида эмас, балки табиатда рўй беради. Лекин фашистлар ишсизликни, кризисларини ва урушларни ҳечбир уялмай биология ҳодисалари деб э'лон қилмоқдалар, гўёки бунинг натижасида ҳаётга лаёқатсиз кишиларгина ҳалок бўлар эмиш.

Фашистларнинг «фани» бўлган евгеника ва ирқчилик меҳнаткашлар оммасининг онгини чувалтириш ва хиралаштиришни, уларнинг синфий онглилигини ва синф бўлиб бирикишларини йўқотишни ўзига мақсад қилиб олган. Фашистлар миллий ва ирқий чегараларни

билмайдиган, бир-бирларига ҳамжиҳат бўлиб бириккан ишчилар оммасини тарқатиб ва бузиб юборишга интилиб келдилар ва илтилмоқдалар. Одамга нафрат блан қараш негизига қурилган фашистлар «фани» Германиядаги қонсираган ҳукмдорлар шайкасига қул этилган оммани кирғинга ҳайдаш учун уруш машинасини вужудга келтиришга ёрдам берди.

Фашистлар, турли халқларнинг ақл-фаросатлари турлича бўлади деган ва одамзодга қабиҳ нафрат руҳида қарашдан иборат бўлган ўзларининг ғоячаларини амалга оширмоқчи бўлиб, қадимги қулдорлар синовидан ўтган усулларни ишлатишга киришдилар.

Германияда ўзининг йиртқичлиги ва одамга нафрати блан айниқса шуҳрат қозонган сифлис Фридрих Ницшега ошғич равишда файласуф деган улуғ унвонни бердилар. Ницше ўзини инсоний хислатлар исканжасидан кутқориб йиртқичлигини намоён қилучи «оқ сочли йиртқични», «олий кишини», «хўжайинни» тарғиб қилди. Ницше «тенглик тўғрисидаги та'лимотдан кўра ўткирроқ заҳар йўқ» деб та'лим берди.

Ф. Ницше назарида одамлар — бир тўда сараланган аристократиядан иборат бўлиб, қолган одамларнинг ҳаммаси буларга тутқун бўлиши керак, ўз хўжайинларига хизмат қилучи қул бўлиши керак. «Йиқилаётганни тепиб юбор», «Ер юзи ўлимга маҳкум этилиши лозим бўлганлар блан лиқ тўла» деган маъна

шундай йиртқичлик та'лимини беручи одамхўр ва ваҳший Ф. Ницшенинг асарларини қашқир Муссолини итальян тилига таржима қилдирди.

Бу тариқа ницшечилар, ёки тўғриroқ қилиб айтганда, одамзодга нафрат блан қаровчилар, XX асрда қулдорликни тарғиб қилучилар озмунча эмас. Бу тарғиботчилар ўтмиши қоронғи бўлган бир тўда одамларни фашистларнинг сохта фанини ўрганиш учун тайёрладилар. Фашизм меҳнаткашларнинг кенг оммасини қаттиқ каторга интизоми воситалари блан ўз буйруқларини бажаришга мажбур қилмоқда.

Фашистлар одамлар орасига низо' солиб, XX асрда қулдорлик империяси яратмоқчи бўладилар.

Национал-«социалистлар» ҳокимият тепасига чиқмасларидан олдин ҳам ўзларининг ички ва ташқи сиёсатлари қандай йўлдан боришини билдирган эдилар. Фашистлар сиёсатининг асоси погромлар ва таланчиликлардан иборат бўлиб қолди; бу погромлар ва таланчиликлар давлат ишининг системасига айлантирилди.

Фашистлар сохта фан малумотлари асосида одамларни турли даражаларга ёки «ирқларга» бўлиб, кишилик фазилатларини камситмоқдалар, ўзлари томонидан иккинчи даражага ўтказиб қўйилган ва «орий ирқидан эмас» деб ҳисобланган одамларни азобламоқдалар ва йўқ қилмоқдалар.

Фашистларнинг сиёсий агитацияси — жа-

ҳонда битта олий ва сара халқ бор, бу халқ эса немис халқи бўлиб, бошқа ҳамма халқлар — французлар, чехлар, бельгиялилар, голландиялилар, даниялилар, норвегиялилар, серблар, греклар ва бошқалар шу немис халқига хизмат қилишга мажбур деб тарғиб қилишдан иборат бўлиб қолди.

Фашистлар шу нарсани тарғиб қилар эканлар, гап немис халқида эмаслигини, «олий» немис халқи тўғрисидаги бу гапларнинг ҳаммаси бир тўда фашист ҳукмдорлар ва шу ҳукмдорларнинг ҳомилари бўлган молия магнатларининг синфий манфаатларини ниқоблаш, шу тўданинг немис халқ оммасидан фашист қўрбошиларга фойдали планларни амалга ошириш учун фойдаланмоқчи бўлганлигини ниқоблаш мақсадида айтилаётган гаплар эканлигини яширдилар.

Бу планлар ҳарқанча пухталик блан яширилиб келган бўлса ҳам, лекин Гитлернинг илгари яқин сирдошларидан бўлган ва ўз принципларининг бема'нилигини кўриб ихлоси қайтган Раушнинг томонидан фош қилиб ташланди. Раушнинг ошкор қилган бу сирлар немис меҳнаткашлари ва бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари нима учун мажбуран қон тўкаётганликларини ва фашистлар ўзлари забт этган мамлакатларни нима сабабдан қираётганликлари ва вайрон этаётганликларини яққол кўрсатиб беради.

Фашистларнинг идеялари мутлақо ҳуқуқсиз

одамлар оммасига хўжайинлик қилиб келган қулдорларнинг идеяларидан иборат. Фашистларнинг фикрича, фашизм ижтимоий босқичининг тепасида баланд даражали ва қудратли бир тўда одамлар, я'ни «янги олий аристократия» туради. Бу тўда хўжайин немислар синфидан иборат бўлиб, бу синф қаторига фашист шайкаларнинг қўрбошилари, биринчидан, ўзларини, сўнгра эса бой помешчикларни ва капиталистларни, олий амалдорларни ва юқори даражадаги харбийларни киргиздилар.

Хўжайин немислар синфи ўрта синф воситаси блан жахонни идора қилиши лозим, бу ўрта синфга эса чиновниклар — фашист бюрократияси, фашистлар партиясининг оддий а'золари, турли оқсоқоллар киради. Немис халқининг жуда катта қисми давлатни бошқариш ишларидан четлаштирилган абадий хизматкорларга айлантирилиши лозим, буларнинг вазифаси мехнат қилишдан ва юқори табақанинг буйруқларини қулоқ қоқмай бажаришдан иборатдир.

Фашистлар, немисларнинг хаммасини жуда яхши яшайдиган қиламиз деган мазмундаги ўзларининг олдоқи вайсашлари блан, онгсиз оммани ўз томонларига тортиб, амалда кўпчилик немисларнинг, Германия мехнаткашларининг бўйнига солинадиган бўйинтуруқни тайёрлаб қўйдилар. Агар Германия мехнаткашлари сиёсий муттахамлар ва фрибгарлар-

нинг қабиҳ ҳокимиятини ағдармас экканлар, шу бўйинтурук остида азоб тортаберадилар.

Фашистларнинг бутун дун'ё аҳолисини ҳуқуқсиз қулларга айлантириб ўзларига ишлашга мажбур қилиш учун ҳаракат қилаётганликлари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Бир тўда муттаҳамлар шайкаси Ницше ва бошқа сохта олимларнинг одамзодга нафрат руҳидаги асарларига ниқобланиб XX асрда инсониятни мана шу тариқа Нерон ва Калигула замонларига қайтаришга уринмоқда.

1934 йилдаёқ, я'ни герман фашизмининг ҳарбий авантюраларни ҳали бошламаган вақтда, герман фашизмининг «ирқ сиёсати» ва «ирқ гигиенаси» соҳасидаги тадбирлари яҳудий погромлари ўтказиш, энг катта олимларни ҳайдаш ва орий ирқдан эмас деб э'лон қилинган одамларнинг инсоний фазилатларини ҳар хил таҳқир этиш блан чекланаётган бир вақтда ўрток И. В. Сталин инсониятнинг ашадди душманлари бўлмиш фашизм идеологиясининг энг муҳим унсури бўлган ирқчилик тарғиботидаги қулдорчилик моҳиятини пайқаб олган эди.

Ўрток Сталин фашистларнинг фан соҳасидаги энг проварди «теория» қилиб кўрсатаётган нарсалари я'ни «олий» ва «паст» ирқлар тўғрисидаги «теориялари» қулдорлар олами сингари эски бир нарса эканлигини партия XVII съездидаги докладида оддий ва аниқ,

шу блан бирликда чуқур ва ма'ноли сўзлар блан кўрсатиб ўтган эди.

Қулдорлар қулга айлантирилган одамларни ҳаммавақт иш ҳайвони каби таҳқир қилиб ишлатар эдилар. Қул қисқа вақт ишлаб ажалидан бурун ҳалок бўладиган уй ҳайвонига айланар эди. Ба'зи ҳолларда қуллар ҳатто қандай ишқилаётганликларини билмасинлар ёки ўзлари ясамоқда бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кўриб суқлари кирмасин деб уларнинг кўзлари кўр қилиб қўйилар эди (масалан скифларнинг маска мой пиширишни кўр қулларга топшириб қўйганликлари барельефларда тасвирланган асл суратлардан малум). Қулдорлар қадимги Румода (Римда) жуда кўп ҳарбий асирларни қул қилиб тўплаганликлари сабабли одамнинг қадрини қорамол ёки отнинг қадридан ҳам пастроқ ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар.

Румолилар мана шу ваҳшиёна ижтимоий тартибни оқламоқ учун ўзларини, биринчи галда қулдорлик жамиятининг юқори табақасини — Румо патрициларини олий даражадаги кишилар деб атадилар, забт этиб олинган халқларни эса иккинчи даражадаги кишилар, «паст ирқ» деб таҳқир қиладиган бўлиб қолдилар.

1934 йилда ўрток Сталин қуйидаги гапларни айтган эди:

«Учинчи бировлар, урушни «олий ирқ», айтайик, герман «ирқи», «паст ирққа» қарши,

ҳаммадан бурун — славянларга қарши уюштириш керак, фақат шундай уруш нажот бераолади, чунки «олий ирқ» «паст ирқни» насл жиҳатидан тузатиши ва унинг устидан ҳокимлик қилиши керак деб ўйлайдилар. Фараз қилайик, ер блан осмон бир-биридан қандай йироқ бўлса, фандан шунчалик йироқ бўлган шу ғалати теорияни, — фараз қилайик, шу ғалати теорияни амалга оширсинлар. Бундан қандай натижа чиқиши мумкин? Малумки, ҳозирда «олий ирқ» намояндалари славян қабилаларига қандай қарасалар, эски Рим ҳам ҳозирги германлар ва французларнинг ота-боболарига худди шундай қараган эди. Малумки, эски Рим бу халқларни «олий ирққа», «буюк Римга» доим итоат қилиши лозим бўлган «паст ирқ», «ёввойилар» деб менсимас эди, броқ, — енг ичида шуни айтайикки — эски Римда бундай дейишга бирмунча асос бор эди, аммо хозирги «олий ирқ» намояндаларида эса бундай нарсадан ҳечбир асар йўқ. *(Қаттиқ алқишлар)*. Бундан нима чиқди? Шу чиқдики, римли бўлмаганлар, я'ни «ёввойиларнинг» ҳаммаси умумий душманга қарши бирлашиб, Римни гумбиллатиб ерга урдилар. Хўш, ҳозирги «олий ирқ» намояндаларининг да'волари ҳам ана шундай хунук натижаларга элтмаслигига гарантия борми? Берлиндаги фашист адиб сиёсатчиларнинг Римдаги туллак эски истилочилардан кўра бахтлироқ бўлиб чиқишларига қандай гарантия бор? Бу-

нинг аксинча ўйласак тўғрироқ бўлмасми?»[1].

Ўртоқ Сталин бу гапи блан герман фашизмининг планларини фош қилиб ташлади ва «олий» ва «паст» ирқлар тўғрисидаги фашизм та'лимининг, я'ни «ирқчиликнинг» қулдорлик моҳиятини кўрсатиб берди. Немис фашизми сиёсатининг кейинги вақтлардаги бутун тарихи ўртоқ Сталиннинг бу кўрсатмасининг тўғрилигини та'кидловчи жуда кўп далиллар берди. Фашистларнинг босиб олинган Европа мамлакатларидаги варварликларча ҳаракатлари, бошқа миллатларнинг тилига, миллий маданиятларига бутунлай менсимаслик блан қарашлари, аҳолини одамшаванда яшашнинг энг оддий шаройитларидан махрум қилиб қўйишлари, одамларни фашистларнинг экинзорларига, немис фашизмининг таянчларидан бири бўлган прус юнкерларининг катта ерларига қул қилиб олиб кетишлари, босиб олинган мамлакатларда қизларни тутиб олиб, фашист отрядларининг солдатлари ва офицерлари учун очилган фоҳишахоналарга шу қизларни зўрлаб қамаб қўйишлари каби ўзларининг мана шу ҳамма қабиҳ ёвузликлари блан фашистлар қадимги қулдорлардан ўтиб кетишга ҳаракат қилмоқдалар.

Гитлер ўзининг энг яқин ходимларига (Ра-

---

[1] *И. В Сталин.* Партиянинг XVII съездига ҳисобот доклади. „Ленинизм масалалари", 11 нашридан таржима. Ўзпартнашр, 1940, бет 415.

ушининг айтишича) бундай деган эди: «бизда енгилган ажнабийлар синфи бўлади, биз уларни ҳечбир тортинмай, ҳозирги замон қуллари деб атаймиз». Гитлернинг ошнаси Дарре қишлоқ хўжалигида қулдорлик системасини амалга ошириш планини таклиф қилди. Шу планга кўра деҳқонларнинг ерлари, бутун чорволари тортиб олинади, улар нуқул батракларга айлантириладилар. Фашистларнинг планига мувофиқ бутун дун'ёдаги ер ўзларини янги етилган подшолар деб ҳисобловчи немис помешчикларининики бўлиши керак. Дарре «ёт ирқ яшовчи мамлакат қуллар, қишлоқ хўжалик батраклари ёки саноат ишчилари мамлакатига айланиши лозим» деб айтди. Аммо Дарре шу гапларни айтиши блан бирликда Германиянинг ўзида ҳам аҳолининг катта қисми шундай бўлишга, я'ни хўжайин немисларнинг абадий қуллари бўлиб қолишга маҳкум этилганлиги тўғрисида демагоглик қилиб индамайди.

Қулдорлик жамиятининг идеологияси бўлмиш ирқчилик қулдорлик методлари блан жаҳонга ҳукмрон бўлишга интилаётган бутун дун'ёни эгаллашга ҳаракат қилаётган фашизм йўлбошчилари ва пропагандистлари томонидан фойдаланилди. Фашизм халқларнинг мустақиллигига, тинч меҳнат қилишига ва бемалол яшашига бевосита таҳдид солучи таҳликага айланди.

Фашизм ўзининг ёвузликларини «фан» блан

ниқобламоқчи бўлди. Фашизм сон-саноқсиз ўлдиришлар ва зулмларни муваффақиятли равишда амалга оширмоқ учун Гюнтер, Ростен, Банзе ва бошқа шулар сингари кўпгина янги «олимларни» тўплади ҳамда собиқ олимлардан бўлган Ленц, Фишер, Шейдт ва бошқалар каби жуда кўп малайларнинг хизматларидан фойдаланди.

Евгеника ва ирқчилик — босқинчилар ҳамда кўплаб одам ўлдирувчиларнинг сохта фанидир, одамларни қириб хузур қилучиларнинг террорни авж олдириш воситасидир.

Қулдорлар бу тариқа қалбаки илмий воситалардан фойдаланишга муҳтож бўлмаган эдилар. Лекин замонлар ўзгаради: XX асрнинг қулдорлари ўз ёвузликларини оқламоқ учун ўз қилгуликларини «илмий далиллар» блан асосланган қилиб кўрсатишга мажбур бўлдилар ва бу блан тарихда илм соҳасидаги энг қабиҳ демагоглар бўлиб, фан деган улуғ сўзни бузучилар ва разиллаштиручилар бўлиб ном қолдирдилар.

2. ИНСОНИЯТ ДУШМАНЛАРИГА ЖУДА МА'ҚУЛ БЎЛГАН ФАН САЛҚИТЛАРИ

Фашизмнинг энг юқори «ғоявий муваффақияти» бўлган ирқчилик назарияси ўз синфидан ажралиб шарманда бўлган реакцион шоир — романтик ва дипломат граф Жозеф Артюр Гобинонинг одамхўрлик идеяларидан ўғирлаб

олинган нарсанинг ўзгинасидир. Гобино одамзодга нафрат ва ғазаб блан тўлган ўзининг кўп томли асарини «Одам ирқларининг тенгсизлиги тўғрисидаги тажрибалар» (1853—1855) номи остида э'лон қилган эди.

Ўз халқига хиёнат ва сотқинлик қилган француз Ж. А. Гобино (1816—1882) ўз халқига мағлубият келтирган ва шу халқнинг маданиятини вайрон қилган ирқчиликнинг ма'навий бошлиғи бўлиб қолди. Гобино ўз халқининг душманларига сўзи ва иши блан ёрдам кўрсатаётган Дорио, полковник де-ля-Рок, Лаваль ва бошқа гестапо агентлари сингари сохта французларнинг устози бўлди.

Гобино томонидан узундан-узоқ қилиб ёзилган нарсаларнинг мазмуни немисларнинг «олий» сифатлари ва французлар, славянлар ва бошқа ҳамма халқларнинг паст ҳосиятлари тўғрисидаги разил ғоячани баён қилишдан иборат. У ўзининг шу ғоячасини маданият тарихини мисли кўрилмаган даражада сохталаш байроғи остида майдонга ташлади ва инсониятнинг бутун маданий муваффақиятларини фақат биргина «олий, оқ сочли ва кўк кўзли ирқ» вужудга келтирган деб да'во қилди. Унинг да'восича фақат шу биргина ирқнинг ўзи маданий ижодчиликка лаёқатли эмиш ва шу дамгача бўлиб келган маданиятларнинг ҳаммаси ҳарбир халқда шу оқ сочли ва кўк кўз «орийлар»нинг бўлганлиги ёки уларнинг авлод-аждоди шу маҳаллий аҳолига аралашиб

кетганлиги туфайли рўй берган эмиш. Гобинонинг та'лимича, бошқа ирқларнинг ҳаммаси хечқандай ижод қилишга кодир эмас эмиш ва зўр бериб кўпайиб, «олий» ирқни сиқиб чиқармоқда эмиш. «Олий» ирқ ҳалок бўлиши блан инсониятнинг маданий ривожланиши учун бўлган ҳамма имкониятлар ҳам ҳалок бўлар эмиш.

Гобино ўз китобида озодликка ва прогрессга бўлган бутун нафратини ифодалаб, ўзининг бу ғазабини «илмий» асар деган олижаноб бир шаклда майдонга чиқарди. Гобино демократияга нисбатан ўзининг нафратини бекитолмай, демократик ҳаракат «олижаноб» ирқнинг охирги қолдиқларини йўқотиш хавфини туғдиради, бу эса маданиятни ҳалок қилади, деб ёзди.

Демократияга нисбатан қилинган бу разил тухмат синфий душманга 1848 йил революцияси жуда алам қилганлигини кўрсатди, чунки бу революция вақтида ишчилар синфи сиёсат саҳнасига биринчи марта мустақил куч бўлиб майдонга чиққан эди. Феодаль аристократияси орасидан чиққан ва ўз синфи блан алоқасини узган бу киши революцион ҳаракатдан қўрқиб-чўчиб, француз халқига тухмат қилмоқчи бўлди ва Францияда фақат аристократия намояндаларигина «олий» ирқлик хусусиятларини сақлаб қолди, бу хусусиятлар «оқ ирқнинг энг олий жаноб фарзанди бўлган» германларда ҳаммадан кўра кўпроқ бор деб да'во

қилиб француз халқини «паст» ирқ қаторига қўшиб қўйди. Ўз халқига хиёнат қилган ва ирқчиликнинг ма'навий йўлбошчиларидан бири бўлган граф Ж.А.Гобино ўзининг хоинлиги тўғрисида мана шундай ёдгор қолдирди.

Гобино демократик ҳаракатга қарши курашмоқчи бўлди, сохта биология ва сохта социология соҳасида сиёсий кураш воситаси топишга уриниб кўрди. У муродига етмади. Лекин бирнеча ўн йил ўтгандан кейин унинг ма'навий ворислари бўлган немис фашистлари бундай воситани топдилар. Немисларнинг «олий» ирқи ва Франция ҳамда Русиядаги кўпчилик аҳолининг паст хусусиятлари тўғрисида Гобино томонидан соткинлик ва разиллик блан айтилган гаплар Учинчи империя деб аталмиш ҳукумат тузган авантюристлар шайкасига жуда ёқди. Бу авантюристлар олимлар томонидан аллақачонлар ахлат яшигига ташланган шу фан салқитларига зўр иштаҳа блан ёпишдилар.

Гобинонинг разилона мақолалари меҳнат ҳаётидан ажралган, меҳнаткашлар оммасидан қўрқувчи ва шу оммага нафрат блан қаровчи кичик, орик ва ғоят ожиз қотма кишидаги ақлий ожизликнинг намунаси, бема'ни «ижодиятнинг» маҳсулидир. Гобино реаль турмуш блан курашиш воситасини топишга интилиб, «олий ирқ» тўғрисидаги мистик теорияни мана шундай восита деб билди.

Унинг мухлислари шу «теорияга» ёпишиб

олдилар ва Гобинога «социология соҳасидаги антропологик маслакнинг» асосини қурувчи деб ном бердилар. Броқ бундай маслакнинг ўзи йўқ нарса, шу сабабли бундай маслак тўғрисидаги гапларнинг ўзи инсоният жамиятидаги биологик ва социаль (ижтимоий) факторларнинг муносабати масаласини бениҳоя чалкаштириш натижасида келиб чиққан гаплардир. Ҳақиқатда эса, бу нарса антропология соҳасидаги ва шунингдек маданият тарихи соҳасидаги сохта илмий маслакдир.

Гобинонинг ҳар икки маслак соҳасида ҳам ғирт нодон эканлигини аниқлаш мумкин. «Олий ирқ» тўғрисида гапирган бу кишининг ўзи шу тушунча нималигини тузукроқ билмайди. Унинг маданият тарихи тўғрисида келтирган фактлари эса фақат сохтакорликка асосланган «далиллардир».

Инсоният маданияти доимо фақат битта «ирққа» боғланган деган даъво бутунлай ёлғон гап. Миср, Осурия, Бобилия, Хитой, Критдаги қадимги маданиятлар «оқ сочли ва кўк кўзли» ирқ томонидан яратилмаган эди. Битта малла фир'авннинг топилиб қолганлиги Гобино теориясининг тўғрилигини кўрсатучи далил бўлмайди. Ирқ блан маданият бир-бирига асло боғлиқ эмас, ва биз ҳарқандай одам ирқлари, оқ сочлар ва қора сочлар, кўк кўзлар ва қора кўзларнинг ҳаммаси маданият яратишга баббаравар салоҳиятли эканлигини тўла равишда исбот қилоламиз.

Қадимги замонда жуда кўп ажойиб маданиятлар бўлганлигини ҳозирги тарихчилар яхши билади. Бизнинг эрамиздан олдинги IV—III мингинчи йилларда ер юзида Месопотамия (Осурия ва Бобилия), Миср, Ҳинд дар'ёсининг водилари (Моҳинжо Даро), Крит каби қадимги маданий давлатлар бўлган. II мингинчи йилда олдинги Осиёда Хеттлар, Урартулар, Финикиялилар, Шарқий Осиёда Хитой каби янги давлатлар, Жанубий Арабистон маданияти тараққий қилди. Бизнинг эрамиздан олдинги I мингинчи йилда Карфаген, Юнонистон, Эрон, Боқтрия, Хоразм, Румо, Оқсум (Ҳабашистон) давлатлари бўлганлиги малум. Шу қадимги халқлар составида бўлган ирқлар энг хилмахил ирқлар бўлиб, уларнинг орасида Гобино айтган «шимолий» ирқ намояндалари жуда оз эди.

Юқори даражадаги маданиятлар ер шарининг турли жойларида турли халқлар томонидан вужудга келтирилаётган бир вақтда ҳозирги немисларнинг ота-боболари бўлган қадимги кўчманчи ғерман қабилалари хўжалик ва маданият тараққиётининг варварлик босқичида турар эдилар.

Юқори даражали маданиятни, Гобино вайсаганидек «ирқ» вужудга келтирмайди, балки ижтимоий тараққиётнинг бирқанча негизлари вужудга келтиради. Фан, техника ва сан'атнинг ривожланиб юксалиши учун шуларни ривожлантирган халқнинг иқтисодий турмуш

шаройити яхши бўлиши керак. Бу иқтисодий шаройитлар эса қулай табиий шаройит натижасида ва шунингдек шу халқнинг ишлабчиқариш муносабатлари натижасида ҳосил бўлади.

Бундан ташқари, «олий ирқ» тўғрисидаги ғоячадан бошқани билмайдиган ашадди индивидуалист Гобино халқлар орасидаги хўжалик ва маданий муносабатларнинг жуда катта аҳамияти борлигини кўрмади ёки кўришни истамади, ҳолбуки шу муносабатлар натижасида бир халқнинг маданий муваффақиятидан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўладилар. Маданият қандайдир му'жиза блан бирданига яратилмайди ва вужудга келмайди. Бир халқнинг маданияти бошқа халқларнинг маданияти асосида вужудга келади. Агар Крит- Микен, Миср маданиятлари ва Олдинги Осиёдаги улуғ маданиятлар бўлмаганда эди, Юнон маданияти рўёбга чиқмаган бўлур эди. Италиянинг ўзида Румо давлати қадимги этрусклар давлати асосида ривожланди. Мисрнинг қадимги маданияти Марказий Африка ва Олдинги Осиёнинг қадимги маданиятлари негизида вужудга келди.

Маданият тарихи соҳасида фан оламида ма'лум бўлган фактларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, айрим халқлар ўртасида ҳаммавақт бевосита ёки билвосита боғланишлар бўлиб келган, маданият соҳасидаги муваффақиятлар ахир бир кун умум инсониятни баҳ-

раманд қиладиган муваффақиятларга айланган. Қадимги Хитойда чой, чинни ясаш ҳунарлари топилган, порох, компас, қоғоз ихтиро' қилинган. Қадимги Бобилия омоч ўйлаб чиқарган. Осурияда эса биринчи ғилдирак арава ясалган. Европалилар салиб урушлари вақтида кийим кийишни араблардан ўргандилар, биз истифода қилаётган рақамларни араблар ўйлаб чиқарган. Финикиялилар томонидан ўйлаб чиқарилган энг қадимги алфавитни кейин турли халқлар ўрганиб олиб, ўз ёзувларини вужудга келтирдилар.

Инсониятнинг маданий муваффақиятларининг халқаро характерда бўлганлиги уй ҳайвонларининг ва маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши тарихида айниқса яққол кўринади. Ҳозир Европада экилаётган ўсимликларнинг кўпи бошқа мамлакатлардан, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия халқларидан олинган. Уй ҳайвонлари ҳам шу тариқа вужудга келган.

Бутун маданият тарихи афсонавий «олий» шимолий ирқнинг маҳсули бўлиб, транспорт шароитлари асло имкон бермайдиган замонларда шу ирқ маданиятни ер шарининг у бошидан-бу бошига кўчириб юрган деган мазмундаги ирқчилар ва гобиночиларнинг ғояси қўлдан сўқма, мазмуни пуч ва аслда нотўғри бўлган бутунлай асоссиз бир нарсадир.

Ўрта асрчилик тарзидаги фашист йирткичлар қандайдир алоҳида «немис» маданияти

бўлган деган ёлғон-яшиқлар блан ўз ватандошларининг мияларини айнатмоқдалар. Фашистлар немис уйларида немислар қўли блан қўйилмаган тўсинларнинг ҳаммасини олиб ташламоқчилар. Аммо бундай бино тураолмайди, бир нафасда ағдарилиб тушади.

Лондондаги Вестминистрлик аббатлигида бўлган Ньютон қабрига «инсонлар одамзодга муносиб шундай безак бўлганлиги учун ўзларини кутласинлар» деган ёзув ёзилган лавҳа қадаб қўйилган.

Европани тилка-пора қилган авантюристлар шайкасининг мозори устига қўйиладиган бирдан-бир ёдгорлик йўғон хода бўлади, холос.

Ақлли ташкилотчилар ҳунармандларни, усталарни, олимларни, архитекторларни, ҳайкалтарошларни ва фан, техника, сан'атнинг ҳамма арбобларини доимо қадрлаб ва асраб келганлар. Эронни забт этган Амир-Темур Эрон усталарини олиб келиб, уларга Ўрта Осиёда шундай ҳашаматли архитектура иншоотлари қурдирганки, буларни шу кунларда ҳам кўриб, одамлар ҳайратда қолмоқдалар. Қадимги Арманистон подшоларидан бири Қуддусдан ҳунарманд яҳудийларни ўз ватанига олиб келган ва улар арманларнинг ўзларига нотаниш бўлган ҳунарларни ўрганиб олишларига ёрдам берганлар. Тирольнинг донишманд хукмдорлари XV асрда яҳудий ҳунармандарининг меҳнатини жуда қадрлаганлар, бу тўғрида Лион Фейхтвангер ўзининг

«Хунук Герцогиня» деган романида ҳикоя қилади.

Халқаро хулиганлар ва бандитлар шайкаси бўлган фашистлар мана шуларнинг ҳаммасини билишни истамайдилар. Улар «буюк инквизитор» Фома Торквемаддан ўтиб кетишга интилмоқдалар. Фашистлар 1500 кишига яқин катта олимларни, ёзувчиларни, композиторларни, сураткашларни ва бошқа маданият арбобларини ҳамда юз минг кишидан кўпроқ мастерларни ва мутахассисларни Германиядан ҳайдаб чиқардилар.

Жамиятнинг салқитлари, ўтмиши жиноятчи ёки ҳеч бўлмаганда қора бўлган бу махлуқлар сурбетлик блан ўзларини олий вужуд, «олий ирқ» деб э'лон қилдилар ва Германия сингари ажойиб мамлакатнинг маданиятини йиртқичларча поймол қилдилар. Ўтмишда Германия улуғ музикантлар ва файласуфлар мамлакати бўлган эди. Бу мамлакатнинг ишчилар синфи бутун дун'ё ишчилар синфининг йўлбошчилари бўлган Карл Марксни ва Фридрих Энгельсни етиштириб берди.

Катта йўлда босқинчилик қилучи бу йўлбосарлар ва босмачилар, ба'зан эса оддий резги муттаҳамлар улуғ олим Альберт Эйнштейнни, буюк физик Макс Борнни, онколог Блюментальни, физиолог Цендекни, энг катта химик Фриц Габерни, антрополог Вайденрайҳни, ёзучи Лион Фейхтвангерни, музикант Отто Клемпарерни ва бошқа кўп олимларни

ма'навий «нодаркор» деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар.

Фашизм ўзининг иблисона мақсадлари учун, қонли агрессия учун, кўп асрли маданият ёдгорларини ва асарларини тор-мор келтириш учун, вабо ўлати каби юз минглаб одамларни қириш учун немис халқининг энг яхши хислатларидан, меҳнаткашлик, батартиблик, фармонбардорлик, фидокорлик хислатларидан фойдаланди.

Фашистлар «олий ирқ» тўғрисидаги мистик та'лимотни сиёсий террор ва ҳукмронлик воситаси деб, бир халқни иккинчи халққа гижгижлаш ва пастарин қилиқларни қўзғатиш воситаси деб билдилар. Бу «та'лимот» энг разил ишлар учун ниқоб. Бу босмачи ва қотиллар погромлар ва зўравонликлар қилиб, кечаси таловчилик қилиш учун йўлга чиқиб, ўзини «олий ирқ» намояндаси деб ҳис қилади, ўзининг бахтсиз қурбонларини «ма'навий нодаркор унсурлар» деб ҳисоблайди.

Фашистлар сиёсий террор мақсадлари учун, ирқчиликдан ташқари, яна бир воситани, у ҳам бўлса, жамиятга хилоф бўлган евгеника идеяларидан фойдаландилар. Кишидаги ўзгарувчанлик ва ирсият қонунларини ўрганишнинг медицина учун катта аҳамияти борлигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Брок евгеникачилар (фашистлар буларнинг идеяларидан фойдаланадилар) евгеника фани ижтимоий масалаларни текширадиган ва бартараф

қиладиган фан деб ҳисоблайдилар. Евгеникачилар биологик вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифаларни — ижтимоий касалликларни тузатиш, инсониятни қирилиш ва айнаб кетишдан халос қилиш ва шунинг сингари вазифаларни қўядилар. Евгеникачилар илмий социологияни, марксизм-ленинизм социологиясини инкор қилиб, уйланишни тартибга солиш йўли блан, даркор унсурларни танлаб олиш йўли блан инсониятни халос қилиш тўғрисидаги ўз тарғиботларини энг реакцион қуролга айлантирмоқдалар, уларнинг бу тарғиботларидан эса фан соҳасидаги ҳар хил сохтагарликларга, фаннинг ҳар хил салқитларига ўч бўлган немис фашистлари фойдаландилар.

Евгеникачиларнинг агитацияси кучли, соғлом ва бахтли инсоният авлоди вужудга келтиришга имкон берувчи рецептлар ва'да қилишдан иборат бўлди. Бу сохта илмий рецептлар фашистларга евгеникачиларнинг асарларига таяниб, ўзларининг одамхўрлик, ваҳшиёна тадбирларини ўтказишларига имкон берди.

Евгеникачиларнинг фаолияти ҳаммавақт ашадди реакцион ва контрреволюцион аҳамиятга эга бўлиб келган ва аҳолининг кенг оммасига ижтимоий қайтақуришнинг асосий вазифасини тушунишга тўсқинлик қилиб, бу омманинг диққатини сохта йўлга буришга ҳаракат қилган.

Асосий фикрлари кўпинча бир хилда бўлган евгеникачилар блан иркчиларнинг асосий идеяси социаль, ижтимоий белгилар биологик белгиларга мос келади деган идеядир. Иркчилар, ирк миллатга мос келади, бу тушунчалар бир-бирига тўғри келади деб нотўғри да'во қиладилар. Евгеникачилар ҳарбир кишининг ижтимоий ва хўжалик мавқии унинг ирсий қимматига мувофиқ келади деб айтадилар. Улар мана шунга асосланиб туриб, одамларнинг азобига менсимаслик блан, шафқатсизлик блан қарашдан иборат бўлган ўзларининг ваҳшиёна хулосаларини чиқарадилар. Етарлик ёрдам бўлмаганлиги, ёмон овқатланиш, ялпи маданиятсизлик сабабли юқумли касалларнинг тарқалиши натижасида болаларнинг кўп ўлиши «турли хўжалик синфларидаги ирсий хусусиятларнинг» маҳсули деб э'лон қилдилар. Немис евгеникачиси Ленц мана шундай хулоса чиқариб, Германияда (Галлда) қора ишчиларнинг болалари орасида ўлучилар бой кишиларнинг болаларига қараганда олти марта кўп дейди.

Евгеникачилар касаллик нуқул биология қонунларига мувофиқ рўй беради, ижтимоий ва хўжалик (иқтисодий) факторлар ва шароитларнинг бунга алоқаси йўқ деб ҳисоблаганликлари сабабли, улар кенг миқ'ёсда медицина тадбирларини қўлланишга қаршилик қиладилар. Улар аҳолининг орасида ўлиш кўплигини ижобий фактор деб, даркор ирсий ху-

сусиятларнинг «танланиш» фактори деб э'лон қилиб, тепкили терлама, вабо ва ҳатто ўлат касалликларининг тарқалишига қувонадилар ва умуман юқумли касаллар бўлиб ўтгандан кейин аҳолининг состави анча соғлом бўлиб қолади деб да'во қиладилар. Улар сил касаллиги блан курашишни кераксиз бир нарса деб э'лон қилдилар, чунки сил касалининг олдини оладиган ва унинг тарқалишига йўл бермайдиган ҳар хил гигиена тадбирлари сил юқтирмайдиган бақувват организмларнинг танланишини заифлаштиради деб да'во қилдилар. Евгеникачилар сил касалига учраган одамларни боқиш ва даволаш системасига қарши, диспансерлар ва санаторияларни кўпайтиришга қарши чиқдилар, чунки уларнинг фикрича, бу тадбирлар аҳолининг соғлигини ёмонлаштирар эмиш. Сил касалини даволаш ва унинг олдини олиш бобидаги бутун мураккаб проблемани тор ма'нодаги ирсият ва киши а'зосининг тузилиши масаласига тақаб қўйиш натижасида, немис евгеникачиси Гротьян бу соҳада касалларни бичиш тадбирини қўлланиш зарур, деган хулосага келди: «Ўпкаси касал бўлганларни ўзларининг жисмоний заифликларини ирсий йўл блан келгуси авлодга ўтказиш имкониятидан маҳрум қилганимиздагина биз уларни даволашга ҳақли бўламиз».

Евгеникачиларнинг бу тариқа реакцион фикрлари фашистларга жуда қўл келди. Улар евгеника тадбирлари фаннинг талабига муво-

фиқ ўтказилади деб даъво қилдилар ва шу тадбирлардан энг шафқатсизини — бичиш усулини танлаб олдилар. Зот қолдириш имкониятидан зўрлик йўли блан маҳрум қилишни фан маъқуллаган инсоний бир восита деб эълон қилинди. Фашистлар мунофиқлик қилиб, герман халқининг келажагини яхшилаш ниятида бичиш тўғрисидаги қонунни чиқардик дейдилар, ҳолбуки бу қонун даҳшатли террорнинг ваҳшиёна бир воситасидир. 1933 йилдан 1936 йилгача бўлган уч йил мобайнида фашистлар бичиш юзасидан тузган планларини эълон қилдилар. Шу планга мувофиқ 400 минг киши бичилиши лозим, яъни майиб қилиниши, инвалидга айлантирилиши, оч ўлишга маҳкум этилиши лозим, чунки фашистлар давлати уларни майиб қилиб ўз ҳолига ташлаб қўябериди.

Фашистлардан илгари ҳам бу евгеника тадбирларини ташвиқ қилучилар, «ирдаркор» ва ирсий заиф кишиларни ёппасига бичишни тарғиб қилучилар бўлган эди.

Бу тадбирларнинг бемаънилиги яққол исбот қилинган ва бичишнинг саломатликка батамом зарарли эканлиги аниқланган эди. Ҳолбуки бичиш тадбирини тарғиб қилучилар, бичилган киши зот қолдириш имкониятидан маҳрум бўлган бўлса ҳам, операция қилинган кишининг ўзи зарарланмайди, деб айтар эдилар. Аммо эркакларнинг уруғ йўлини ва хотинларнинг тухум йўлини кесиб ташлаш натиҳ-

жасида кўпинча шундай операцияга дучор бўлган кишининг рухи тушиб кетадиган ва ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат киладиган бўлиб колади.

Операция килиб бичиш, айникса зўрлаб бичиш идеяси рад килинган бўлса ҳам, золим фашистлар бунга карамай, шу идеяни сиёсий террор куролларидан бирига айлантирдилар.

Чинакам олимлар евгеника идеяларининг нукул зарарли эканлигини исбот килдилар. Жисмоний заифликни йўкотиш учун евгеника тадбирларини кўлланмасдан, балки ижтимоий гигиенани кенг ривожлантирмок керак. Ирсий заиф кишиларнинг, масалан руҳий касалларнинг процентини камайтиришни ўйлашдан олдин, жинслар орасидаги муносабатлар шаройитини соғайтирмок керак. Хирургия тадбирлари эса бу соҳада асло кўлланилмаслиги лозим, чунки ирсий заиф кишининг ижтимоий онги юкори даражада бўлса, у ҳечкачон заиф зот колдириш блан инсониятга юк бўлишни истамайди.

Хакикий олимлар фан соҳасидан улоктириб ташлаган бу евгеника ахлатини немис фашистлари кувониб кўтариб олдилар ва уни сиёсий ҳукмронлик ва террорнинг, фанни кабиҳларча кадрсизлашнинг иркчилик каби бир воситаси деб билдилар. Зўрлик блан бичиш фашизм назарида одамларни азоблаб ҳузур килиш воситаларидан бири бўлиб колди. Мана шундай восита ёрдами блан, лаганбардор

экспертлар нодаркор деб топган одамларни «фан» далиллари асосида йўқ қилиб юбориш мумкин бўлиб қолди.

Оммавий погромчилар ва золимлар ўзларини инсониятни ирсий заифликдан ва биологик «нодаркор» материалдан халос қилучи кишилар деб э'лон қилдилар.

Шу нарсага ҳам аҳамият бериб ўтиш кераккки, улуғ инглиз олими Чарлз Дарвин евгеникага, я'ни ижтимоий ҳодисаларни биология қонунларига бўйсундиришга терс қарар эди. У ғоят ақлли ва ниҳоят даражада инсофли бўлгани учун, гарчи ижтимоий тараққиёт қонунларини аниқ билмаса ҳам, лекин бирқанча тўғри хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлди.

Дарвиннинг амакиваччаси Гальтон ўтган асрнинг 60-нчи йиллариданоқ евгеника идеяларига қизиқабошлаган эди. Улуғ Чарлз Дарвин ўз амакиваччасининг бу хусусдаги тарғиботларига танқидий назар блан қаради. Гальтон «олий», я'ни ҳукмрон синфларнинг намояндалари мутлақо зарур хислатларга эга деб айтган эди, я'ни бошқача сўз блан айтганда, биология факторлари ижтимоий факторларга мос ва монанд бўлади деб да'во қилган эди. Бунга жавобан Дарвин қуйидагиларни ёзди: «Киши мулк ва мол ортдиради, буни болаларига қолдиради; шундай қилиб бойларнинг болалари, жисмоний ва руҳий жиҳатдан қанчалик тараққий қилган бўлишларига қарамай,

муваффақият учун курашда камбағалларга қараганда устунроқ бўладилар»[1].

Дарвин шу нарсани кўрсатиб ўтдики, ҳукмрон синфларнинг оилалари ҳақиқатда тўғри шохобча блан кўпаймайдилар, бинобарин, бунда биология қонунлари йўқ: «...аристократик оилаларнинг тўғри шохобчалари доимо бойликдан маҳрум қилинабердилар, шунинг учун ҳам уларнинг бойликлари ён шохобчаларга ўтаберади... бу шохобчалар эса бўғиннинг устунлиги блан белгиланмайди»[2] (я'ни Ф. Гальтон ёзганидек, биологик хусусиятларнинг катта қиймати блан белгиланмайди. *Г. Ш.*)

Евгеникачилар инсоният жамиятида «танлашнинг» ролини тарғиб қилган вақтларида ҳаммавақт Дарвиндан далил келтирар эдилар. Шу улуғ биологнинг номидан фойдаланиб иш кўриш улар учун анча қулай эди. Броқ Дарвин одамларни — коллектив а'золарини соғайтиришда ижтимоий тадбирнинг аҳамияти масаласини ўртага ташлади. У инсоният жамиятида жисмоний соғликнинг ортишини та'минлайдиган қонуниятларга танлаш принципи тўғри келмаслигини ва асос бўлолмаслигини аниқлади.

«...цивилизация кўп жиҳатдан табиий тан-

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор. 1908, бет 106.

[2] Ўша китоб, бет 107,

ланишнинг та'сирига қарши ҳаракат қилаётганлигини кўриб ўтдик, аммо иккинчи томондан, бу цивилизация яхши овқатларни киргизиши ва тасодифий муҳтожликлардан халос қилиши блан организмнинг тўларок ривожланишига мутлақо қулайлик келтиради»[1].

Дарвин шу нарсани айтиб ўтдики, «Аҳлоқ даражасини кўтариш ва лаёқатли кишиларни кўпайтириш масаласига келганда, цивилизацияли миллатлар орасида табиий танланишнинг та'сири камроқ бўлса керак...»[2].

Хуллас, Дарвин «киши зотини яхшилашга», я'ни инсоният жамиятини чўчқалар ёки қўйлар подаси даражасига тушириб қўйишдан иборат бўлган «фанга» нисбатан терс қаради. Дарвин «социал дарвинизм» идеясини рад қилади. Ҳолбуки иркчилар ва евгеникачилар ўзларини Дарвинга нисбатан шундай ном блан атаган эдилар. Дарвин ижтимоий тадбирларнинг аҳамияти масаласини жуда тўғри ва ўринли равишда кўтариб чиқади.

Дарвин ижтимоий инстинктнинг келиб чиқиши масаласини муҳокама қилиб, энг қадимги замонда ўтган (питекантроп ва синантроп каби) одамларда алоҳида танланиш типи бўлганлигини кўрсатиб ўтди. Бу одамлар табиатга кўр-кўрона қарам бўлмай, меҳнат қурол-

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор, 1908, бет 107.

[2] Ўша китоб, бет 109.

лари воситаси блан табиатга мувофиклашганлар. Дарвин энг қадимги одамларда бўлган мана шу ижтимоий меҳнат асосидаги танланишнинг янги типи пайдо бўлишига сабаб, шу типни қўлланган киши учун ўз тузилиши ёки хулқининг фойдали хусусиятлари ўзига даркор бўлганлиги эмас, балки бу хусусиятлар бутун қабила учун, бутун коллектив учун фойдали бўлганлиги сабабли ривожланганлигини айтиб ўтди[1].

Дарвин ўша вақтда кенг тарқалган ва кўп расм бўлган хато фикрларни айтиш блан бирликда, ниҳоят даражада тўғри фикрларни ҳам айтди. У ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам унинг ижтимоий организм бўлган кишининг биологик хусусиятларини биологик факторлар блан тушунтириш ярамайди деган хулосаси айниқса аҳамиятлидир.

3. УЛУҒ ИНГЛИЗ БИОЛОГИ ЧАРЛЗ ДАРВИН ВА УЛУҒ РУС САЁҲАТЧИСИ НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ МИКЛУХО-МАКЛАЙ ҚУЛЛИККА ВА ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

Ўтган асрдаги 70-нчи йилларнинг охирларидан бошлаб дарвинизмни сохталаш йўлида бирқанча ҳаракатлар қилинди, шу блан бирликда табиий танланиш теориясининг улуғ

[1] Ўша китоб, бет 93.

автори Чарлз Дарвиннинг номига бирканча туҳматлар қилинди. Қабиҳлик шу даражага бориб етдики, иркчилар та'лимотининг асосини шу улуғ табиатшуноснинг ўзи вужудга келтирган деб да'во килабошладилар.

Нукул туҳматдан иборат бўлган бу уйдирмаларни рад қилиш ўрнига биз шу буюк олимнинг ба'зибир фикрларини ва айтган гапларини куйида келтириб ўтамиз. Унинг бу гаплари ўша уйдирмаларнинг накадар разил туҳмат эканлигини яққол кўрсатади.

Дарвин томонидан айтилган ва унинг чинакам инсониятпарвар киши эканлигини, эзилган халкларнинг дўсти, иркчилик ва кулчиликнинг душмани эканлигини кўрсатувчи фикрлар жуда кўп. Бу фикрлар унинг жуда кўп асарларида сочилиб ётипти, бундай фикрлар Дарвиннинг «Автобиография», «Бигль» кемасида саёҳат», «Кишида ва хайвонларда ҳиссиётнинг ифодаланиши тўғрисида», ва «Одамнинг келиб чикиши» асарларида айникса кўп.

Дарвин 22 яшар ўспирин ҳолида 1831 йилнинг кузида «Бигль» кемасига тушиб саёҳатга бошлайди. Дарвиннинг денгизнинг нариги томондаги мамлакатларда, Бразилияда бўлган кунларидан бошлаб ёзиб қўйган фикрларида куйидаги сатрлар бор: «Негрларнинг одоб ва хулки яхшилигига ҳамма қойил бўлмокда. Мен меҳмонларимни мусофирхонада вино блан зиёфат қилдим ва бу негрлар блан хайрлашаётган вақтимда қора хотинлар

нинг менга нисбатан шоҳона ва фазилатли тавозу'ларини харир ва бурма кўйлаклар қийган ҳечбир герцогиня қилолмайди деган фикрга келдим»[1].

Дарвин йигитлик вақтида ёзган ўз «Кундаликларининг» ҳамда 67 ёшлик чол ҳолида ёзган ўз «Автобиография» сининг турли жойларида шундай фикрларни айтадики, бу фикрлар Дарвинда қулдорлик психологияси бўлмаганлигини, миллий ва ирқий шовинизм бўлмаганлигини яққол кўрсатади. Унинг кундаликларида ўз замонида ва қадимги замонларда бўлган хайвонлар ва ўсимликларнинг биологик тузилишлари тўғрисида ажойиб бой фикрлар баён этилиши блан бирликда, вайрон этилган шаҳарлар, хилма-хил ландшафтлар тўғрисидаги ажойиб тасвирлар блан бир қаторда, тубжой халқлари тўғрисида, бу халқларга ажнабий истилочиларнинг муносабатлари тўғрисида ҳам кўп фикрлар бор. Шулардан бирини қуйида келтирамиз: «Ваҳшиёна қилиқлар тўғрисидаги ҳикояларнинг ҳаммасига қараганда ҳам, мени ўша вақтда кўпроқ таажжублантирган кичик бир ҳодисани ёзиб ўтаман. Мени бир негр қайиққа (паромга) солиб олиб ўтмоқда эди... Менга керак бўлган нарсани унга тушунтирмоқчи бўлиб қаттиқ-қаттиқ гапирабошладим ва қўл блан тушунтираман де-

---

[1] Дневник путешествия на корабле „Бигль", 1935, бет 456.

ган эдим, унинг юзига қўлим тегиб кетишига сал қолди. У мени жаҳли чиқди деб ўйлаган бўлса керак, чунки бирданига қўрқиб кетди ва кўзини сузиб менинг олдимда қўлларини ёнбошига қўйган ҳолда қаққайиб туриб қолди. У ўз назарида, бу одам юзимга урмоқчи, деб ўйлаган бўлса керак. Шундай катта бақувват кишининг ҳатто ўзини ҳимоя қилолмай турганлигини кўриб ҳам таажжубланганлигимни, ҳам жирканганлигимни ва ҳам уялганлигимни асло унутмайман»[1].

Дарвиннинг йигитлик чоғида тубжой халқларни тасвирлаб ёзган фикрлари унинг ғоят зийраклигини кўрсатади. Дарвин шу тасвирларида ҳозирги замон одамининг муҳим томонларидан бирига — одамнинг гўзалликка, хилма-хилликка ва бой ҳамда бадиий нафосатга интилганлигига э'тибор беради. Бирқанча вақтлардан кейин, Дарвин қариб қолган чоғида[2] ирқлардаги тафовутларнинг аҳамияти тўғрисида ирқчиликка қарши ўз теориясини вужудга келтирди ва бу тафовутлар ибтидоий қабилаларда бўлган гўзаллик тўғрисидаги тасаввурнинг қолдиқлари, сарқитлари эканлигини исбот қилди. Ҳозирги замон халқлари ва уларнинг ирқ типлари ўша ибтидоий қабилалардан пайдо бўлган. Дарвиннинг шу тўғри-

---

[1] Денвник путешествия на корабле „Бигль", 1935 бет 32.

[2] Происхождение челевека, 1871.

даги фикрларидан бирини қуйида келтирамиз:

«Биз Колорадода икки кун туриб қолдик. Менга иш қолмади, чунки теварак атрофдаги ерлар ботқоқликдан иборат, ёзда (декабрьда) Кордильерада қор эриганда дар'ё шу ботқоқликнинг ҳаммасига тошиб кетади. Менинг асосий эрмагим ҳиндилар оиласининг биз келиб тушган ранчога (ҳовлига) келиб ҳархил майда-чуйдаларни сотиб олишларини тамоша қилиб туришдан иборат бўлди. Генерал Роснинг ҳиндилар орасида иттифоқчилари бор эди, бу иттифоқчилар 600 кишига етди деб тахмин қилинмоқда эди. Буларнинг ҳаммаси забардаст, баланд бўйли ва чиройлик кишилар; аммо кейинроқ Ўтли ер оролида шу ирқнинг ўзи кийим, овқат етишмаганлиги ва маданиятдан асар ҳам бўлмаганлиги сабабли жуда хунуклашиб кетганлигини кўрдим. Ба'зи ёзучилар инсониятнинг ибтидоий ирқларини белгилаган вақтларида бу ҳиндиларни икки синфга бўладилар, лекин бу бутунлай нотўғри.

Ёш жувонларнинг, ёки чинасларнинг кўпини чиройлик хотинлар дейиш мумкин. Уларнинг сочлари гарчи дағал бўлса ҳам, лекин қора ва ялтироқ бўлиб, икки ўрим қилиб ўриб қўйилган ва белларига тушади. Икки юзлари силлиқ ва қипқизил, кўзлари ўйнаб туради, оёқлари ва қўллари кичкина ва жуда нозик.

Улар оёкларига ва ба'зан белларига қатор-қатор кўкмунчоқ такиб юрадилар»[1].

Африка сохилларига килган саёҳати тўғрисида Дарвин қуйидагиларни ёзади:

«Ост-Инд ороллари тўдасидан келтирилган қулларнинг авлоди бўлмиш малайлилар кўпчиликни ташкил қилади; булар жуда чиройлик одамлардир; уларнинг коттежларнинг думалоқ похол томларига ўхшаш чўққайган қалпоқларидан ёки бошларидаги кизил рўмолчаларидан кўриб ҳаммавақт таниш мумкин. Негрлар унчалик кўп эмас: мамлакатнинг туб халқи бўлган готтентотлар бундан ҳам камроқ бўлса керак. Готтентотлар блан ғоят ёмон муомила қиладилар»[2].

Полинезиянинг туб жой халқлари бўлган таитянлар тўғрисида қуйидаги фикрлар айтилган:

«Менга ҳаммадан кўра бу жойнинг халқи ёқди. Уларнинг башараларидан мулойимликлари кўриниб туради, буни кўриб уларнинг ваҳший эканликлари хаёлингизга ҳам келмайди. Уларнинг фаҳми цивилизация бобида анча тараққий қилганликларини кўрсатади. Оддий халқ иш вақтида баданининг юқори қисмини бутунлай очиб ташлаб, яланғоч ҳолда ишлайди ва ана шу пайтда таитянларнинг жуда ҳуш бичим эканликларини кўришингиз

---

[1] Происхождение человека, 1871, бет 68.
[2] Ўша китоб, бет 556.

мумкин. Улар баланд бўйли, кенг елкали, мард ва ҳушбичим одамлардир. Европали киши қора баданнинг кўринишида ўзиникига қараганда анча ёқимли ва табиий эканлигига одатланиши учун бироз кўникишигина даркор эканлиги аллақачондан бери малум бир нарса. Таитян блан ёнма-ён чўмилаётган оқ одам худди боғбоннинг ҳунар қилиб ўстирган рангсиз ўсимлиги очиқ далада бемалол ўсган чиройлик ямяшил ўсимликнинг олдида турганига ўхшайди»[1].

Шу келтирилган сатрларда Дарвиннинг одам ирқларини фарқ қилучи белгиларнинг катта қисмини изоҳлаш учун қирқ йилдан кейин таклиф қилган ажойиб идеяларининг бошланғичлари борлигини кўриш мумкин. Ҳарқандай ирқ типига объектив равишда қараш ва ҳарбир типнинг ҳам ўзига яраша чиройликлари ва хунуклари борлигини аниқлаш Дарвин хислатларининг бири эканлиги бу сатрлардан яққол кўриниб турипти.

Дарвиннинг ирқ белгилари тарихдан бурунги қабилаларда гўзаллик тўғрисида бўлган тасаввурнинг кўринишлари деб кейинчалик айтган изоҳоти, киши ирқлари тўғрисидаги барча сохта ва қалбаки тасаввурларни, «паст» ва «олий» ирқлар тўғрисидаги барча «та'лимотлар» ва «теорияларни» батамом чиппакка

[1] Дневник путешествия на корабле „Бигль", 1935 бет 338.

чиқаради. Бу фикрларни янада ривожлантириб, шу нарсани аниқлаш мумкинки (бу тўғрида қуйида муфассал ёзамиз), киши ирқлари ҳайвонларнинг ирқларидан фарқ қилади, чунки ҳайвонларнинг ирқлари янги турларга айланганини, тафовутларнинг кўпайишига сабаб бўлгани ҳолда, бу нарса инсон ирқлари учун характерли белги эмас. Шу сабабли ирқ белгиларининг ақлий ривожланиш даражасига ҳечқандай алоқаси йўқ.

Дарвин «рангдор» одамлар блан «оқ» одамларнинг руҳий тузилиши ўртасида жуда катта ўхшашлик борлигини кўрсатиб ўтди. Дарвин «Кишининг келиб чиқиши ва жинсий танланиш» деган асарида «Бигль» кемасида қилган саёҳати вақтида кўрган ба'зибир нарсаларини эслаб қуйидагиларни ёзади:

«Ўтли ер оролида яшовчи халқлар энг паст варвалардан бири деб ҳисобланади, аммо мен бир нарсага жуда ҳайратда қолдимки, Англияда бирнеча йил туриб бироз инглизча гаплашишни ўрганиб олган шу кишилардан учтаси «Бигль» кемасида келмоқда эди. Буларнинг характери ва ақл-фаростлари ҳам бизникига яқин (how closely) эди»[1]

Дарвин «Киши ва ҳайвонларда хиссиётларнинг ифодаланиши тўғрисида» деган асарида ҳиссиётларнинг ифодаланиши энг хилма-хил

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор. Изд. Лепковского, 1908, бет 48.

иркдан бўлган одамларда бир-бирига жуда ўхшаганлигини ва бу нарса ҳам хилма-хил иркдан бўлган одамлардаги руҳий ҳолатнинг бир-бирига яқинлигини кўрсатучи бир далил эканлигини исбот қилди.

«Одамлар қайси иркдан бўлмасинлар, уларнинг ҳаммасида ақл жиҳатидан бир-бирларига жуда катта ўхшашлик борлигини»[1] исбот қилмоқ учун Дарвин хилма-хил одатларнинг, безаниш, татуировка (баданга нақш солиш) ва шу сингариларнинг бир-бирига ўхшашлигини ҳам далил қилиб келтирди.

Албатта, Дарвин, ақлий жиҳатдан ривожланишга қобилиятли бўлиш соҳасида турли халқлардан бўлган одамларнинг баббаравар қийматга эга эканликларини кўрсатиб ўтиш блан бирга, у виждонли олим ва инсонпарвар бўлганлиги учун, қулликка нафрат блан қаради ва бу ваҳшиёна адолатсизликка қарши оташин норозилик билдириб қуйидаги сатрларни ёзди: «19 августда Бразилиядан батамом кетдик. Қуллик мамлакатига энди асло қайтмайдиган бўлганим учун худога минг марта шукур. Пернамбукога яқин жойда бир уйнинг олдидан ўтаётган вақтимда ёлбориб инграган товушларни эшитиб кўп хижолат бўлган эдим, узокдан шунақа инграган товушни эшитсам ўша хижолат бўлганим эсимга тушиб ҳанузгача азобланаман; шу ингров-

[1] Ўша китоб, бет 451.

чи одам калтакланаётган бирон бахтсиз туткун бўлса керак деган фикрда бўлсам ҳам, лекин бу ингровчи одам норозилик билдирмайдиган гўдак бола каби ожиз эканлигини билар эдим... Рио де Жанейро атрофида бир кекса хоним ҳовлисига қарама-қарши бўлган ҳовлида яшаган вақтимда, бу хонимнинг ўз чўри қизларининг бармоқларини қисиш учун қисқичи бўлганлигини кўрдим. Бошқа бир ерда биз келиб тушган ҳовлида ёш бир хизматкор мулатни ҳаркун ва ҳар соат шу қадар сўкар, урар ва унга кун бермас эдиларки, бундай муомила ҳатто энг пастарин уй ҳайвонини ҳам ғазаблантирган бўлур эди»[1].

Одамзодга иснод келтирадиган ва энг яхши кишиларнинг ҳаммавақт қаттиқ норозилигига учраган бир нарсани, я'ни қулликни ҳозир фашистлар қайтадан тикламоқчилар.

Ирқчилик тўғрисидаги ҳамма гапларнинг ҳечқандай илмий асоси йўқлигини илғор олимлар аллақачонлар батамом узил-кесил исбот қилган эдилар. Дарвин, Н. Н. Миклухо-Маклай, Манувриe, Морган, Деникер, Ранке ва бошқа кўп олимлар шу нарсани исбот қилдиларки, ер шарида яшовчи халқларнинг ҳаммаси «ўз маданий тараққиётларини бениҳоя давом этдиришга лаёқатлидирлар, чунки кишининг онги индивидуаль тажрибадан эмас,

---

[1] *Ч. Дарвин* Происхождение человека и половой отбор. Изд. Лепковского, 1908, бет 416—417.

балки аслида асло битмас-туганмас коллектив тажрибадан озикланиб туради»[1].

Н. Н. Миклухо-Маклай ҳозирги замондаги одам иркларининг ҳаммаси ҳам маданий ривожланишга қобилиятли эканликларини кўрсатучи амалий далилларни Дарвинга караганда ҳам кўпрок кўрсатиб берди, илгари ваҳшилар деб жирканиб таҳкир килинган кишиларнинг ғоят исте'додли эканликларини амалда исбот килди.

Николай Николаевич Миклухо-Маклай папуас халкини текшириб шундай хулосалар чикарди. Бу халк «паст» ирк деб ҳисобланар эди. Буни исбот килмок учун сохта илмий асарлар ёзилган эди. Н. Н. Миклухо-Маклай ўзининг текширишлари асосида бу сохта илмий асарларнинг ҳаммасини чиппакка чикарди. Мутлако ботир, жуда катта иродали, вазиятни жуда тез фаҳмлаб оладиган, одамлар блан муомала килишда ғоят маҳоратли бўлган Миклухо-Маклай Янги Гвинеянинг шарк-шимолий кирғокларига европалилардан биринчи бўлиб борди. У папуасларнинг тилини билмагани ҳолда ёлғиз ўзи, ҳечбир куролсиз уларнинг кишлоғига бориб кирди. У ўзининг мардонавор ва ёкимли фе'л-атвори блан папуасларга шу кадар ма'кул бўлдики, папуаслар ёш ўлиб кетган бу саёҳатчининг хотира-

---

[1] *Я. Я. Рогинский*- Человеческие расы, 194?, бет 367.

сини неча ўн йиллардан кейин ҳам эслаб, унинг ҳақида ажойиб оқ одам эди деб гапириб юрадиган бўлдилар. Маклай қирғоғидаги папуаслар шу қирғоқни босиб олган немислар томонидан ёппасига қириб ташланмаганларида эди, бу ажойиб саёҳатчи тўғрисидаги хотирани ҳеч шубҳасиз папуаслар ҳанузгача достон қилиб юрган бўлур эди.

Гобино, Ляпуж, Вольтман ва бошқа сохта олимлар одамзодга нафрат блан қараб, одамлар орасидаги нафратни ва низо'ни авж олдириш учун ирқлар орасидаги тафовутлардан фойдаланган бўлсалар, аммо Маклай одам ирқларини ўрганишга одамларни бирлаштирувчи бир восита деб қаради. Маклай ирқ типларини ўрганиш натижасида маданий та'сирларнинг қандай йўллар блан тарқалганлигини аниқлаш воситасини вужудга келтирди. Маклай Малакка ярим оролининг марказида ўша ердаги аҳолига бутунлай ёт бўлган ирқ типини топиб олиб, одамларнинг Осиё қит'асидан шу қит'анинг энг шарқи-жанубий томонига ва ундан Ҳинди Чинига, Голландия Ҳиндистони оролларига, Филиппин оролларига ва яна ундан ҳам нарироқ бўлган шарқ томонларга қай тариқа кўчганликларининг йўлларидан бирини аниқлади.

Миклухо-Маклай маданият тарихини ўрганиш учун ирқшуносликни бир восита тарзида истифода қилди. Ёзув бўлмаган, «қадимги замон» тўғрисидаги нақллар йўқ бўлиб кет-

ган жойларда, ирқ типини ўрганиш халқларнинг энг илгариги тарихини пайқашга ёрдам беради.

Н.Н.Миклухо-Маклай 1877 йилда Рус география жамиятига ёзган хатида бундай дейди: «Эҳтимол ашадди зоолог мендан, ҳайрон бўлиб, сўраши мумкин: сизнинг ихтисосингиз этнология бўлмагани ҳолда нима учун этнология масалаларига берилиб кетиб коллекциялар тўплашни йиғиштириб қўйдингиз? Мен бунга жавобан шу нарсани айтаманки, гарчи бу жойнинг зоогеография масалаларини ўрганишни жуда аҳамиятли деб ҳисобласам ҳам, ...ҳарҳолда папуасларнинг status praesens турмуш-тиричиликларига э'тибор беришни бундан кўра кўпроқ аҳамиятлироқ деб топдим, гарчи бунга кўп вақт кетган бўлсада, лекин инсониятнинг бу қисми кечираётган ҳаёт даврлари ба'зибир янги шароитларда (бундай шароитлар ҳаркун пайдо бўлиши мумкин) жуда тез йўқ бўлиб кетади деган фикрда бўлдим. Биз қизиққан жаннат қушлари ва капалаклар ҳатто узоқ келажакда ҳам Янги Гвинеяда учиб юраберади, зоолог буларни узоқ келажакда ҳам тўплаб хурсанд бўлаберади; шу ҳашаротларнинг ўзи аста-секин унинг коллекцияларини тўлдираберади, аммо ҳозирги папуасларнинг қилиқлари ва одатлари оқлар блан бўладиган такрорий муносабатларда ўзгариш, бузилиш ва унутилишгина эмас, ҳатто шундай бўлиши ҳам мумкинки, мен

Оран-Сакай ва Оран-Симангни Малай ярим-оролининг ўрмонларидан қидириб юрганим каби, келажакдаги антрополог соф, примитив ҳолдаги папуасни Янги Гвинея тоғларида излаб юришга мажбур бўлиб қолажак.

Асосий вазифамни белгилашда мен ҳақли бўлиб чикканлигим фурсат ўтиши блан исбот бўлишига имоним комил»[1].

Маклай Индонезияда ва Австралонезияда 17 йил чамаси саёҳат қилиб юрди. У Янги Гвинея халқи бўлган папуасларнинг антропологиясини, моддий маданиятини, маишатини, тилини, экономикасини ва техникасини ўрганишга айниқса кўп вақт сарф қилди. Улар Маклай борган вақтларида оналик асосида уюшган ибтидоий уруғчилик тузуми даражасида яшар эдилар.

Папуаслар деҳқончилик қилиш блан шуғулланар, уй ҳайвонларидан уларнинг қўлида чўчқалар, ит, товуқлар бор эди. Улар ишлаб-чиқариш қуроли тарзида тош болта, суяк пичоқ ва тошдан қилинган ҳархил бошқа асбобларни, чиғаноқ, суяк, бомбуқ ва бошқа шу сингари нарсадан қилинган асбобларни ишлатар эдилар. Улар металлдан қилинган қуролнинг нималигини билмас эдилар.

Маклайга. қадар кўп олимлар папуасларни «паст» ирқ деб ҳисоблар эдилар. Папуасларнинг бош мияси европалиларникига қараганда

[1] Известия географического общества, т. XIV, 1878.

оддийроқ равишда тузилган деган фикр бор эди. Маклай папуасларнинг бош миясини текшириб ўрганди ва уларнинг мияси ҳамма жиҳатдан европалиларникига ўхшаш эканлигини аниқлади.

Маклай папуасларнинг бошқа ҳарқандай халқ каби ҳамма жиҳатдан тўла қийматли одамлар эканлигини исбот қилди. Папуаслар жуда исте'додли, зийрак одамлар бўлиб, уларнинг орасида яхши бинокорлар, рассомлар, ажойиб даражада балиқ овловчилар ва ўқ-ёй мерганлар бор. Улар сузишни жуда яхши биладилар ва денгизларда кема ҳайдашга моҳир одамлардир.

Маклай қирғоғига яқин ба'зибир оролларда (айниқса Маклай тасвирлагандан кейин машхур бўлган Били-Били оролида) кулолчилик жуда авж олган эди, шу оролларнинг халқи жуда яхши сопол идишлар ясар эдилар. Улар ўзларининг примитив деҳқончилик асбоблари блан, я'ни учи найза таёқлари ва ингичка кураклари блан ерни жуда яхши ишлар эдилар, шунинг учун ҳам Маклай яхшилаб чопиб кўйилган жўякларни ва уларнинг сабзавот ерлари ҳамда боғларини кўриб хайрон бўлган эди. Улар ўз сабзавотлари ва боғларида ширин картошка, шакар қамиши, томоки ва бошқа шулар каби кўпгина экинларни экиб деҳқончилик қилар эдилар.

Маклай папуасларнинг примитив асбобларни ишлатиб жуда яхши натижаларга ниҳоят

даражада эпчиллик блан эришганликларига қойил бўлади. Масалан, у папуасларнинг тош ва бир парча чиғаноқ ёрдами блан кокос ёнғогини чақиб, унинг мағизини кавлаб ейишларини тасвирлайди: «бу овқат шундай чиройлик қилиб тайёрланди ва асбоблар шу қадар оддий ва қулай эдики, мен кокос ёнғоғини шу дамгача ўзимга малум бўлган усулларга қараганда шу усул блан ейишни афзалроқ кўришга мажбур бўлдим»[1].

Кўп саёҳатчилар турли мамлакатларнинг ижтимоий ва техника тараққиёти бобида паст даражада турган тубжой халқларини қандайдир арзимас ва маданиятсиз одамлар деб, беҳуда нарсаларга қимматбаҳо буюмларни алишишга тайёр турган ва европача асбоблар ва ихтиро'ларни билмайдиган одамлар деб тасвирлайдилар. Аммо Маклай туб жой халқларини бутунлай бошқача тасвирлайди. Бошқа ҳамма одамлар каби папуаслар ҳам безакларни яхши кўрадилар. Улар Маклайдан марваридларни, кийимлик қизил алвонни, тугмаларни яхши кўриб олганлар, лекин улар михларга, болғаларга ва пичоқларга кўпроқ аҳамият берганлар. Улар пичоқларни жуда қимматбаҳо буюм деб ҳисоблаганлар ва ўзларининг телумларини, я'ни ота-боболарининг ҳай-

---

[1] *Н. Н. Миклухо-Маклай.* Путешествия, т. I, 1940 изд. АН СССР, бет 71.

калларини фақат пичоққа алишишга рози бўлганлар.

Масалан, Маклай эркакларнинг чап елкаларига осиб юрадиган халталарида («гун») нималар борлиги тўғрисида қуйидаги қизиқ малумотларни беради:

«Мен бу халтанинг ичидан кўп қизиқ нарсаларни топдим. Халтанинг ичида иккита катта донган (суяк пичоқ) дан ташқари, бир томони қайралган, дастак ёки пичоқ ўрнида ишлатиладиган суяклар ҳам бор эди; кичик бомбук қин ичидан қайраб қўйилган тўртта суяк топилди, бу суяклар жуволдиз, нина ёки бигиз хизматини қилса керак, сўнгра «ярур», бир чаккаси тишлик бўлган ва тубжой халқ кокос ёнғоғини кавлаб олиш учун ишлатадиган чиғаноқ (Cardium) топилди. Шунингдек ҳали етилмаган кокос ёнғоғи пўчоғининг узунчоқ бир парчаси бор эди, бу қошиқ ўрнида хизмат қилса керак; ниҳоят бир вақтлар мен ўзим берган катта михнинг тошга қайралиб пўстлоқ блан жуда пухта ўраб қўйилганлигини кўрдим (полинезиялиларнинг тапеси каби); бу қайралган мих жуда яхши бигиз хизматини қилиши мумкин. Шу асбобларнинг ҳаммаси ўз мақсадларига жуда мувофиқ қилиб ишланган»[1].

Маклай папуасларнинг тош, суяк ва ёғоч

---

[1] *Н. Н. Миклухо-Маклай.* Путешествия, т. I, 1940, изд. АН СССР, бет 67.

асбоблардан жуда маҳорат блан фойдаланганликларини кўрсатучи кўп мисоллар келтирган. Бунинг аҳамияти шунинг учун ҳам айникса каттаки, «тош ва суяклардан қилинган асбоблар жуда примитив тарзда бўлганлиги сабабли ҳарбир иш унча осонлик блан битабермайди; масалан, агар папуаслар диаметри 14 сантиметр бўлган дарахтни боплаб кесмоқчи бўлсалар, ўзларининг тош болталари блан камида ярим соат ишлашга мажбур бўладилар»[1]. Маклай «Витязь» кемасининг матрослари бирнеча кун ичида кесган дарахтни папуаслар ўзларининг тош болталари блан бир йилда ҳам кесаолмаган бўлар эдилар, дейди. «...Уларнинг шундай ибтидоий асбоблар ёрдами блан тузуккина уйлар ва қайиқлар курганликларини, ба'зан шуларни анчагина чиройлик безак блан безаганликларини кўриб киши албатта таажжубланади»[2].

Бир вақт Маклай папуасларнинг обсидиан деган қаттиқ жисмдан бўлган юпқа пластинкалар блан сокол олаётганликларини кўрган. Қаттиқ жисмдан шундай устара хизматини қилучи юпқа пластинка кўчириб олиш ҳунарини ўрганишга ҳарқанча уринса ҳам, Маклай буни эплай олалмаслигига ишонди.

Маклай ўзининг папуас ошнаси Туйга бир парча шиша синиғини ҳадия қилиб берганли-

---

[1] *Н. Н. Миклухо-Маклай*. Путешествия, т. I, 1940, изд. АН СССР, бет 67.

[2] Ўша китоб, бет 67.

гини, бирнеча кундан кейин шу папуаснинг шиша парчаси блан яхшилаб соқол олганлигини кўрган: «Мўйловлари ва иякларидаги соқол жуда яхши қирилган эди, у соқолини шундай усталик блан олганки, ҳатто бир жойи тилинмаган»[1].

Ҳозирги замондаги ҳарбир халқнинг, ҳарбир ирқдан бўлган кишининг тузилиши бир хилда эканлигини, энг мураккаб меҳнатларни бажаришга қобилиятли эканлигини Миклухо-Маклай Дарвин блан бирликда кўп далиллар блан исботлаб берди. Маклай бирқанча мисоллар келтириб, Маклай қирғоғидаги папуасларнинг ёш болалари рўзғор ишларида катталарга ёрдам берабошлашларини тасвирлайди: «Болаларнинг ота-оналари ўз болаларини амалий ишларга жуда эрта ўргатадилар, бу болалар ҳатто жуда ёш вақтларида ҳам катталарнинг ҳамма ҳунарларини ва ишларини, ҳатто ўз ёшларига асло тўғри келмайдиган ишларни ҳам зеҳн қўйиб ўрганиб олган бўладилар. Болалар ўйин-кулги блан кам шуғулланадилар, ўғил болаларнинг ўйини ёғочларни найза қилиб отишдан ўқ-ёй отишдан иборат бўлади, бу соҳада бироз малака ортдиргандан кейин дарров бу нарсани амалий тирикчилик учун қўлланабошлайдилар. Мен денгиз бўйида бирон балиқни ўқ-ёй блан отиб ўлдиришга ҳаракат қилиб денгиз бўйида соатлаб вақт

[1] Ўша китоб, бет 42.

ўтказучи болаларни, жуда ёш болаларни кўрдим. Қизлар ҳам шундай қиладилар, ҳатто улар амалий ишлар блан кўпроқ шуғулланадилар, чунки улар рўзғор иши блан жуда ёш вақтлариданоқ шуғулланабошлайдилар ва ўз оналарининг ёрдамчилари бўлиб қоладилар»[1].

Янги Гвинеяда ёғингарчилик вақтларида кечқурунлари анча салқин бўлади, ана шундай вақтларда папуас Туй чўғ бўлиб турган бир палён ўтинни олиб келган, у шу ўтин блан ўз баданининг ҳамма томонини жуда осонлик ва усталик блан иситиб турган. Маклай бу ҳунарни ўрганаолмади, чунки буни ўрганиш учун узоқ вақт машқ қилиш ва ғоят эпчил бўлиш керак эди.

Маклайнинг асарлари «паст» ирқлар тўғрисидаги афсоналарга хотима берди. Унинг асарлари ер шаридаги одамларнинг ҳаммаси биологик жиҳатидан тенг эканлигини, ҳамма одамлар маданий ривожланишга баббаравар қобилиятли эканликларини ва бирон халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва техника ривожланишининг қандай даражасида бўлиши унинг тарихий ривожланиши туфайли рўй берган турмуш шароитига боғлик эканлигини кўп мисоллар блан исбот қилди. Фашист «олимлар» маданият блан ирқ бир-бирига боғлик нарса деб ҳарқанча даъво қилсалар ҳам, маданият блан ирқнинг бир-бирига ҳечқандай

[1] *Н. Н. Миклухо-Маклай.* Путешествия, т. I, 1940, изд. АН СССР, бет 136.

алоқаси йўқ. Бу масалада биологиянинг аҳамияти йўқ.

Фашистлар ва уларнинг «олимлари», «паст» ирқлар тўғрисида гап сотган вақтларида маданий тараққиётнинг пастки даражасида турган ҳозирги халқларнинг кўплари азалдан маданиятсиз бўлмай, балки ижтимоий зулм натижасида маданиятсиз бўлиб қолганликлари тўғрисида атайин индамайдилар. Бунинг учун ҳаммага жуда яхши малум бўлган бирнеча мисолни кўрсатиб ўтиш мумкин. Зулм остида қолган ва эзилган Миср деҳқонлари — фаллохлар қадимги замоннинг юқори маданиятини яратган қадимги мисрлиларнинг бевосита авлодларидирлар. Улуғ Совет Иттифоқи халқларининг тарихидан ҳам миллий зулмнинг қандай натижалар берганлигини кўрсатучи яхши мисоллар олиш мумкин. Масалан, ўзбеклар революциядан бурун Ўрта Осиёнинг энг эзилган халқларидан бири эдилар. Чоризм ўзбек халқининг жуда катта кўпчилигини камбағал қилиб қўйган ва ўзбекларни паст даража одамлар деб таҳқир қилар эди. Аммо ўзбек халқининг тарихидан бизга шу нарса малумки, ўзбеклар Ўрта Осиёнинг энг маданий давлатларини вужудга келтирган кишиларнинг бевосита авлодидирлар.

Октябрь революциясидан кейин бошқа ҳамма халқлар каби ўзбекларнинг ҳам миллий маданияти фан, техника ва сан'атнинг ҳамма соҳаларида мисли кўрилмаган равишда яшнаб

кетди. Ўзбеклар ирригация, деҳқончилик ва бошқалар соҳасида жуда катта ишларни бажардилар ва бу соҳада ташаббусчи бўлдилар.

Ирқларнинг белгиларини шу ирқларнинг олий ёки паст ирқ эканлигига далил бўладиган белгилар деб ҳисоблаб бўлмайди. Кўк кўз қора кўзга қараганда «юқори» туради ёки қора соч оқ сочга қараганда «паст» бўлади деб бўлмайди. Узунроқ ёки япасқи бошни «олий» ёки «паст» шаклдаги бош деб ҳисоблаб бўлмайди, шунингдек паст ёки баланд бўйни, тўғри ёки жингала сочни, ялпоқ ёки узунчоқ юзни «олий» ёки «паст» деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу белгиларни рўкач қилучи одамлар ғирт муттаҳам одамлардир. Шундай муттаҳамларнинг ба'зилари чўзиқ ва япасқи бошни рўкач қилиб, фақат чўзиқ бошли одамларгина саботли ва эҳтиросли бўладилар деб э'лон қилдилар. Бошқа хил муттаҳамлар эса япасқи бошли одамлар умуман ижодиятга қодир эмас деб да'во қилдилар.

Кишининг исте'додли бўлиши ёки бўлмаслиги учун унинг боши чўзинчоқ ёки япасқи бўлишининг ҳечқандай алоқаси йўқ эканлигини исбот қилган кўп олимларнинг ва қисман Москва Давлат университети Давлат антропология институти ходимларининг ишлари бу ёлғонни фош қилиб ташлади. Агар фан соҳасидаги сохтагарларга қулоқ солинадиган бўлса, у ҳолда япасқи бошли Кантни, шунингдек улуғ файласуф Лейбницни, Шиллерни, буюк

Бетховенни ва бошқа кўп улуғ одамларни «руҳий жиҳатдан нодаркорлар» қаторига кўшиш керак бўлур эди.

Бош миянинг катта-кичикликгини рўкач қилучилар ҳам бўлди. Брок машҳур олимларнинг жуда кўп тажрибалари бош миянинг оғирлиги ўзгариб туришини, бир килограммдан 2 килограммга қадар бўлиши мумкинлигини исбот қилди. Баланд исте'додли бўлган ҳарбир кишининг мияси шу оғирликда ва ҳажмда бўлиши мумкин. Масалан, машҳур француз ёзучиси Анатоль Франснинг мияси 1017 грамм оғирликда эди (у 80 ёшдан кўпроқ яшаб ўлди, у энг қирчиллама вақтида миясининг оғирлиги тахминан 200 грамм ортиқроқ эди), ҳолбуки рус ёзучиси И.С.Тургеневнинг мияси (65 ёшга кириб ўлди) 2012 грамм эди. Биргина шу мисолнинг ўзи ҳам миянинг оғирлигини рўкач қилиш бутунлай бема'ни нарса эканлигини кўрсатади. Айрим халқларда бош миянинг катта-кичиклиги албатта шу мисолда келтирилганидек катта тафовутли бўлмайди, лекин бир халқда миянинг ўртача оғирлиги 1300 грамм, иккинчи бир халқда миянинг ўртача оғирлиги 1350 грамм бўлар экан, бу нарса биринчи халқнинг иккинчи халқдан паст турганлигини кўрсатмайди.

Машҳур совет антропологи ва иркшуноси Я. Я. Рогинский қуйидагиларни ёзади: «Маданият даражаларининг тафовутини турли халқлар тарихий тараққиётининг конкрет шаро-

йитларидан, аввало уларнинг қай даража яккаланиб қолганликларидан, турли халқларнинг умум кишилик тажрибасидан фойдаланиш соҳасида бўлган ташқи имкониятларининг мажмуидан излаш зарур» ...«ҳолбуки ҳайвонлар оламида, жумладан сутэмизучи ҳайвонлар оламида бош мия оғирлигининг кўпайиши умуман қилиқ ва ҳаракатларнинг мураккаблашувига ва такомуллашувига боғлиқдир, одамзодда эса ирқларни бир-бирига таққослаган вақтда бу жиҳатдан аҳоли миясининг ўртача катта-кичиклиги билан аҳоли маданиятининг даражаси ўртасида ҳечқандай боғланиш топиб бўлмайди. Миср ва Ҳиндистоннинг энг буюк ва энг қадимги цивилизацияси бош миясининг оғирлиги мутлақо ва нисбатан унчалик кўп бўлмаган ирқлар яшайдиган ерларда пайдо бўлди ва ривожланди. Иккинчи томондан, Утли ер оролидаги халқларнинг, Шимолий Америкадаги ҳиндиларнинг ва эскимосларнинг маданияти примитив бўлгани ҳолда, бу халқларда бош миянинг оғирлиги жуда катта» ...«Халқларнинг маданиятидаги тафовут табиий танланиш маҳсулидир деб ирқчилар томонидан айтилган фикр тўғри деб фараз қилинса, у вақтда Европа тупроғида яшовчи аҳолининг маданияти палеолитдан тортиб ҳозирги замоннинг гигант индустриясига қадар узундан-узоқ ўзгариш йўлини ўтгани ҳолда шу аҳолининг тус белгилари неча ўн минг йиллар мобайнида ўзгар-

май қолганига сабаб нималигини тушуниб бўлмайди»[1].

Мана шу фактларнинг ҳаммасидан чиқадиган хулоса шуки, ер шаридаги ҳозирги ҳамма халқлар мансуб бўлган ақлли Киши тури доирасида ҳозирги замон инсоният жамиятидаги маданий тараққиёт биология блан эмас, балки тарих блан белгиланади. Тараққиётнинг биология қонунларига бўйсунган пайтлари аллақачонлар йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги замон халқларининг ялпи ота-бобоси бўлган тарихдан бурунги ақлли Одам (Homo sapiens fossilis) эришган биологик белгилар даражаси, жумладан бош мия тузилиши ва функциясининг хийли буюк мураккаблик даражаси тарихий даврдаги кейинги ижтимоий тараққиётнинг ривожланишига асос бўлди. Модомики ҳамма халқлар ва ирқларнинг бош мияси бир хилда мураккаб экан, мия миқдорининг айрим ирқларда ўрта ҳисоб блан 1300 — 1400 грамм бўлишигина эмас, балки айрим одамлардаги бошмия миқдорининг катта-кичиклик тафовути (тахминан 1000 граммдан тортиб 2000 граммгача тафовут қилиши) ҳечбир аҳамиятга эга эмас. Я. Я. Рогинский жуда тўғри кўрсатиб ўтганидек, маданий тараққиёт даражасини ҳозирги замон одамларига хос бўлган бош мия миқдорининг катта-кичикли-

---

[1] *Я. Я. Рогинский*. Человеческие расы. Учебник антропологии. Учпедгиз, 1941, бет 367.

ги блан эмас, балки тарихий тараққиётнинг ижтимоий шаройитлари блан изоҳламоқ керак.

Кўзнинг рангини рўкач қилишга уриниш ҳам ҳечқандай натижа бермади. Ирқчилар исти'додли бўлиш учун кўк кўз бўлиш керак, орий тилида гапиручи муайян ирқ типидан бўлган одамларнинггина кўзлари кўк бўлади деб да'во қилдилар. «Орий» тилида ёки, яна тўғриси ҳинд-европа тилида гапирмайдиган қирғизлар орасида кўк кўзли кишилар ҳинди-европа группасига тааллуқли тилларда гапиручи эрониларда бўлганига қараганда кўпроқ эканлиги малум бўлди. «Орий» курдларга қараганда грузин яҳудийлари орасида кўк кўзли кишилар кўпроқ учрайди.

Ирқчилар ўз да'воларини исбот қилмоқ учун ҳозирги вақтда Луврда бўлган ва Доро саройига безак қилиб қўйилган ҳайкалдаги «суз ўқчилари»нинг кўзлари кўк эди деган «далили» келтирдилар. Москва Давлат университети Давлат антропология музейининг директори М. С. Плисецкий Луврда шу «суз ўқчилари» фигураси сақланадиган музейдаги бўлим мудири Контено жанобларидан, шу гап тўғрими, деб сўраган эди. Контено, суз ўқчилари заррача ҳам кўк кўз бўлмай, балки қора кўз бўлганликларини малум қилди.

Энг катта олимлар ирқчиликка қарши ўз фикрларини айтдилар. Дарвин барча одамзод ирқларининг «ақлларида буюк ўхшашлик бор»

деб гапирди. Миклухо-Маклай оқ ва рангдор ирқларнинг руҳий ҳолати бир-бирига ғоят яқинлигини аниқлади ва «ваҳшийлар» блан оқларнинг биология жиҳатидан бир-бирига баравар эқанлигини кўрсатучи кўп далиллар кўрсатди. Француз антропологи Манувртье Гобинонинг ирқчилик теориясини сохта фан деб дангал айтди. Берлиндаги этнография музейига 50 йил муттасил директор бўлиб турган энг катта антрополог ва этнограф Лушэн ўзининг «Ирқлар, халқлар, тиллар» деган китобида «олий» ва «паст» ирқ деган нарсалар уйдирма бир нарса, табиатда бундай нарса йўқ, деб айтди ва Африкада менга учраган бирдан-бир ваҳшийлар европали савдогарлар ва чиновникларнинг пулпараст ва молпарастликларини кўриб жуда хайрон қолганликларини айтди.

Энг катта антропологлардан немис Ранке ва француз Деникер ирқчилик назарларига қарши ўзларининг қат'ий фикрларини айтдилар ва ялпи ва битта Homo sapiens турига мансуб бўлган ҳозирги замон ирқларининг ҳаммаси бир хил эканлигини исбот қилдилар.

Ҳозирги замоннинг энг яхши олимлари гитлерчиларнинг одамларни кириш қуролига айлантирган саводсизларча та'лимотларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Лондон университетининг профессори Ленселот Хогбен, фашизмни биология негизига қуриш

фанни бутунлай менсимасликни кўрсатади, деб ёзди (Л. Хогбен «Фашизм фалсафасининг биологик асослари»).

Американинг катта олими Франц Боас иркчиларни фактларни чувалтириб юборишда айблаб, маданий тараққиётдаги тафовутни турли ирқларнинг ақлий қобилиятлари ўртасидаги моддий тафовутлар «теорияси» блан исбот қилмай, балки тарихий воқиаларнинг умумий ривожланиши блан изоҳлаш кераклигини кўрсатиб ўтди. У жуда кўп ижобий фактларга асосланиб туриб, гўё оқ ирқ кишининг энг олий типи деб ҳисоблашнинг бутунлай хато эканлигини исбот қилди. Ҳозирги замон одамларида ҳечқандай олий ва паст типлар йўқ (Ф. Боас. «Ибтидоий кишининг ақли», 1926, бет 19).

Ҳозирги замоннинг буюк инглиз олими Жулиан Гексли фашистларнинг ирқ блан миллат тушунчасини бир-бирига ўхшатишлари ғиртғирромликдан иборат дейди. У А. К. Хеддон блан бирликда фашистларнинг «соф» ирқлар тўғрисидаги вайсашларига қарши чиқди: «Британ, француз, герман ёки итальян ирқлари идеяси — сиёсий ғирромлик, ғирромлик бўлганда ҳам хатарли ғирромликдир...» Бу мамлакатларда «ирқий типлар ниҳоят даражада аралашиб кетган» (Ж. Гексли ва А.К. Хеддон. «Ирқ масаласи — теория ва фактлар». «Биз европалилармиз» деган китобнинг боби, Лондон, 1935).

4. ОДАМЛАРНИНГ ТУР ЖИҲАТИДАН БИРЛИГИ ВА ТАРИХДАН БУРУНГИ ЎТМИШНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ БЎЛГАН ИРҚ ТАФОВУТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТСИЗЛИГИ

Ҳозирги замон одамларида табиатга алоҳида муносабатни белгиловчи тана тузилишининг физиологик эҳтиёжларнинг барча муҳим хусусиятлари ҳамма халқларда, ҳамма миллатларда ва шу миллатлардан ташкил топган ирқларда бир хил ва бир турли эканлиги маълумдир.

Ҳозирги замон кишисида организм тузилишининг хусусиятлари жуда мукаммал бир ҳолга кирди. Ҳозирги замон кишисининг гавда тузилиши енгил, суяклари қадимги замон одамлариникига қараганда нозик, суякларининг бир-бирига муносабатлари ниҳоят даражада мукаммаллашган. Ҳозирги замон одамида бошни ушлаб турадиган кучли пайлар ҳам, бўйинда бўладиган йўғон мускуллар ҳам йўқ. Бошнинг оғирлик маркази бўйиндаги биринчи умуртқа блан бир нуқтага деярлик тўғри келганлиги сабабли, бош фақат ўзининг оғирлиги блангина умуртқада мустаҳкам туради дейиш мумкин.

Одамнинг тузилишидаги хусусиятларнинг ҳаммаси немис ва французда, негр ва арабда, эскимос ва хитойда, рус ва испанда ва бошқа ҳамма миллатларда бир хил. Бу нарса турли миллатларда ва турли ирқларда меҳнатга

лаёқатли бўлиш жиҳатидан одамларда биологик тафовутлар йўқлигини кўрсатади. Бу фактлар ҳозирги замон халқларининг ҳаммаси бир-бирига қон-қардош эканлигини ва уларнинг такомуллашган биологик хусусиятлари бир хилда эканлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳозирги замон кишиси энг мураккаб меҳнат ҳаракатларини қилишга лаёқатлидир.

Ирқ белгилари деб аталучи нарсаларнинг бу хусусиятларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Дарвин, ҳозир яшаб турган одамларнинг ҳаммаси бир турдан иборат деган масалани ҳаммадан олдин қўйган кишилардан биридир. У одам ирқларини айрим турлар деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқми деган масалани ўзига хос зийраклик блан ўрганди. Бу масала тўғрисидаги ижобий ва салбий далилларнинг ҳаммасини текшириб чиққандан кейин, Дарвин одам ирқларини айрим турлар деб ҳисоблаш ярамаслиги у ёқда турсин, ҳатто уларни биологик турчалар деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас, деган хулосага келди. Дарвин бу хусусда қуйидагиларни ёзади: «Агар бизнинг фараз қилган табиатшуносимиз бу фикрга қарши далиллар излашга киришиб, ҳайвонларнинг турли турлари каби турли одам қабилалари ҳам бир мамлакатда катта-катта тўда бўлиб бирга яшаганлари ҳолда, бир-бирларидан ажралиб турадиларми ёки йўқми деган масалани текширишга киришса, у бундай

одам қабилаларининг бир-биридан ажралиб турмаганликларига қаноат ҳосил қилади. У Бразилияда негрлар ва португалиялилардан иборат бўлган жуда катта қурама аҳолига дуч келади; Чилоэда (Чилида) ва Жанубий Американинг бошқа қисмларида бутун аҳолининг турли даражада бир-бирига қони қўшилган ҳиндилардан ва испанлардан иборат эканлигини кўради. Шу қит'анинг кўп жойларида у негрлар, ҳиндилар ва европалилар ўртасида энг хилма-хил никоҳланишлар бўлганлигига дуч келади; мана шундай уч ёқлама дурагайлашиш эса (агар ўсимликлар оламидаги ҳодисаларга ўхшатиб фикр қилинадиган бўлса) ота-она формаларининг ҳар иккисининг ҳам бир хилда серпушт эканлигига энг яхши далилдир. У Тинч океан оролларидан бирида (Питкерн ороли. —*Г. Ш.*) полинезияли халқ блан инглиз халқининг қони қўшилиб ҳосил бўлган кичик бир аҳолига дуч келади, Фиджи оролларида эса, полинезиялилар ва негритослардан турли даражада қон қўшилиб ҳосил бўлган аҳолига учрайди. Бундай ҳолларнинг Африкада ҳам кўп эканлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шуки, одам ирқлари ёнма-ён яшаганлари ҳолда бир-бирлари блан аралашмасдан қоларлик даражада бир-бирларидан фарқ қилмайдилар; аралашмай қолиш эса тур тафовут-

ларининг одатдаги ва энг яхши белгисидир»[1].

Дарвин, шундай қилиб, одам ирқлари алоҳида бўлиши у ёқда турсин, ҳатто уларни биологик турчалар деб ҳам ҳисоблаб бўлмайди деган хулосага келади. Ирқ тафовутларининг бошқа хусусиятларини текширган вақтда бу хулосанинг аҳамияти жуда муҳим эканлигини кўрамиз. Одам ирқларининг зоологик ва ботаник ирқлардан принципиаль фарқи шундаки, одам ирқларини яккаланган (изоляция қилинган) ҳолдаги ирқ деб ҳисоблаб бўлмайди, турларнинг ҳосил бўлиши учун эса яккаланиш зарур шартдир.

Дарвиннинг бу фикри ҳозирги вақтда антропологиянинг энг яхши намояндалари томонидан тасдиқ қилинди. Бундан ташқари, шу нарса ҳам аниқландики, одам ирқлари бошқа ҳайвонларнинг ирқларига қараганда бутунлай бошқачадир. Гарчи одам ирқлари биологик белгилар (сочлар, башаранинг тузилиши, пигментация ва шунинг сингарилар) блан фарқ қилса ҳам, лекин шу белгиларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини белгиловчи қонунлар биологик қонунлар бўлмай, балки ижтимоий қонунлардир.

Буларнинг қандай қонунлар эканлигини бир кўздан кечирайлик.

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор. Изд. Лепковского, 1908, бет 139.

Биологик қонунларга бўйсунадиган жонизорлар оламида, ҳайвонларда ва ўсимликларда ҳам, яшаш учун курашда энг кўп фойдали аҳамиятга эга бўлган ҳарбир янги белги мустаҳкам ўрнашиб қолиши мумкин. Демак, шундай белгиларга эга бўлган ҳайвонлар ёки ўсимликлар яшаб қоладилар ва бу белгиларни наслдан-наслга ўтказадилар. Ўзининг бир ёки кўпинча бирнеча белгилари блан дастлабки турдан фарқ қилучи янги ирқ янги шаройитга кўчиб, дастлабки турдан бошқача бўлиб кетади.

Шундай қилиб, муҳитга, табиат кучларига кўр-кўроно боғлиқ бўлган ҳайвонлар ва ўсимликларда рўй берган ҳарқандай фойдалик ўзгариш янги пайдо бўлган турнинг эски турдан яккаланишига олиб келади.

Шу блан бирликда табиатда аста-секин бўладиган тараққиёт ўзининг муҳитга мувофиқлашуви ва ўзининг тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилучи турларни, ўзининг тузилиши, одати ёки хулқидаги хусусиятлар жиҳатидан юқорироқ, ўртачароқ ёки пастроқ турларни келтириб чиқаради.

Бу хилдаги мулоҳазалар одам ирқларига бутунлай тўғри келмайди. Одам ирқлари блан бошқа ҳайвон ирқлари ўртасидаги фарқ нимадан иборат? Биринчи асосий фарқ шуки, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ирқлари тарихий тараққиёт давомида бир-бирларидан то-

бора кўпроқ яккаланаберадилар, аммо илгарилар бир-биридан яккаланган ҳолда яшовчи одам ирқлари эса, тарихий тараққиёт давомида бир-бирларига яқинлашиб, улар ўртасидаги фарқ аста-секин йўқолаберади. Бунга сабаб турли ирқлар ўртасида дурагайлашиш, метислашишнинг кучайишидир, буни Дарвин ҳам кўрсатиб ўтган эди. Ирқларнинг бу тарихқа дурагайлашиш процесси ижтимоий ҳодисаларга — турли ирқ типларидан иборат бўлган турли халқлар ўртасида хўжалик алоқалари ва бошқа алоқаларнинг кучайишига асосланади. Бир халқнинг иккинчи халқни забт этиши, асир қилиб, қулликка олиб кетиши сабабли дурагайлашиш, аралашиш ҳосил бўлиши мумкин. Хўжалик алоқалари ва маданий муносабатлар ҳам турли халқларнинг кишилари ўртасида қиз олиш, қиз беришнинг кўпайишига сабаб бўлади. Умумий бир тил асосида катта давлат бирлашмасининг вужудга келиши ирқлар ўртасидаги чегаранинг йўқолишига сабаб бўлади.

Дастлаб бир турдан келиб чиққан ҳайвонларда икки ирқни бир-биридан фарқ қилучи белгилар тобора кўпроқ ўзгараберади ва бир-бирига яқин икки ирқ ўртасидаги тафовутлар ортаберади. Археологик текширишларнинг малумотларига, қисман эса ҳозир ҳаёт бўлган аҳоли орасидаги турли ирқ типларига доир малумотларга қараганда, одам ирқларида ил-

гари ирқ тафовутлари кўпроқ бўлган бўлса, замон ўтган сари, айниқса ирқ аралашуви кучайган жойларда бу тафовутлар йўқ бўлиб кетаберган.

Яна бир катта фарқ шуки, ҳайвонлар ва ўсимликлардаги ирқ тафовутлари шу ҳайвон ёки ўсимликнинг муҳитга мувофиқлашувини та'минловчи белгиларга асосланган. Аксинча, ҳозирги замон одамларидаги ирқ тафовутлари унчалик аҳамиятли бўлмаган иккинчи даражали белгиларга асосланган бўлиб, бу белгилар кишининг муҳитга мувофиқлашишида ўзларича аҳамиятга эга эмас. Ба'зи ҳолларда эса, бошқа тарихий ёки табиий шароитларда мувофиқлашиш жиҳатидан аҳамиятли бўлган белгилар ўз аҳамиятини йўқотиб юборган (масалан негрлар Америка Қўшма Штатларига кўчиб келгандан кейин, уларнинг баданидаги кучли пигментациянинг мувофиқлашиш жиҳатидан бўлган аҳамияти йўқолиб кетди).

Ирқларнинг аҳамиятини тушуниш учун шу нарсани кўзда тутиш керакки, энг яққол кўриниб турадиган ирқ белгилари жамият синфларга бўлинмасдан анча олдин пайдо бўлган ва ҳозирги вақтда бу белгиларни тарихдан бурунги қабилалар дуч келган шароитнинг сарқитлари деб ҳисобламоқ керак.

Ўртоқ Сталин ирқ составн миллат чегараларига ҳечқандай муносабати йўқлигини кўрсатиб ўтди. Бу икки ҳодиса бутунлай бир-би-

ридан бошқа қонуниятлар блан белгиланади. Ўрток Сталин «миллат» тушунчасини қуйидагича та'рифлайди:

«Миллат — ҳаммадан бурун, бирлик (общность), одамларнинг малум бирлигидир.

Бу бирлик ирқий ва қабилавий бирлик эмас. Ҳозирги итальян миллати румолилар, германлар, этрусклар, юнонлар, араблар ва бошқалардан ташкил топган. Француз миллати галлар, румолилар, бриттлар, германлар ва бошқалардан таркиб топган. Ҳархил ирқ ва қабила одамларидан иборат миллат бўлиб таркиб топган инглизлар, немислар ва бошқалар тўғрисида ҳам худди шуни айтмоқ керак.

Демак, миллат — одамларнинг ирқий ва қабилавий бирлиги эмас, балки тарихий йўсинда таркиб топган бирлигидир»[1].

Ўрток Сталиннинг шу айтган барча фикрлари кўп марталаб та'кидланди. Ирқ составининг миллат чегараларига ҳечқандай муносабати йўқ. Каттароқ миллатларнинг кўпчилиги бирнеча ирқ типларидан ва бир кўп ирқ типчаларидан иборат. Чунончи герман миллати кам деганда тўртта катта ирқ типидан: шимолий, ғарбий, Альп ва Динар типларидан ҳамда бошқа кўп тип бўлинмаларидан иборат. Мана шунинг ўзи ҳам ирқ ва миллат ту-

---

[1] *И. Сталин.* Марксизм ва миллий-колониаль масала. Уздавнашр, 1941, бет 9. Марксизм ва миллий масала деган мақола.

шунчалари бир-бирига тўғри келади, немислар ирқи ва славянлар ирқи бор, деган да'воларнинг ёлғонлигини яққол кўрсатади. Немис фашистлари қилгандай, ирқ тафовутларини бойиш ва талаш қуролига, одамларнинг пастарин қиликларини ёвузларча кучайтириш воситасига айлантирилган тақдирда, ирқ тафовутларининг миллий бирликка ҳечбир тўсқинлиги йўқ. Ирқ белгилари одамларнинг бирлашувига тил тафовутига қараганда жуда оз тўсқинлик қилади. Шимолий немислар ирқ типи жиҳатидан Скандинавия аҳолисига яқиндирлар, аммо жанубий немислар Кавказ халқларига ва Болқондаги ба'зибир халқларга яқинроқ турадилар (Динар ирқи типи). Бу эса, муттаҳамлар ва фирибгарлар ирқ тафовутларини рўкач қилиб иш кўрабошлагунларигача, турли ирқдаги типлардан бўлган одамларнинг бир-бирларидан қиз олиб қиз беришларига ҳам, бир-бирлари блан қўшилишларига ҳам заррача тўсқинлик қилгани йўқ эди.

Ўрток Сталин тил бирлигини, территория бирлигини, иқтисодий турмуш бирлиги ва маданият бирлигида кўринучи психик тузилиш бирлигини миллатнинг характерли ҳислатлари деб ҳисоблайди. «Миллат — тил, территория, иқтисодий турмушнинг ва маданият бирлигида ифодаланадиган психик ту-

зилишнинг тарихий йўсинда таркиб топган барқарор бирлигидир»[1].

Фашистлашучи «теоретиклар», «ирқ» белгиларини жуда кўп рўкач қилиб, турли ирқ кишилари орасидаги тафовутни бўртдириб кўрсатмоқдалар, ирқ аралашувининг зарарлигини, турли ирқ типларига мансуб ота-оналардан бўлган болалар яроқсиз бўлиб чиқишини да'во қилмоқдалар.

Фашизмнинг ва ирқчиликнинг бу да'восини ҳам пучга чиқармоқ керак, илм-фаннинг аниқ малумотларига кўра ҳозирги замон одам ирқларининг ҳарқандайи аралашуви натижасида ҳосил бўлган авлод ҳаёт учун тўла равишда лаёқатли эканлиги исбот қилинган. Чунончи, антрополог Бонифаси французлар ва аннамлилар (тонкинлилар) орасида ҳосил бўлган метисларнинг жисмоний тузилиши жуда чиройлик ва руҳий ҳолати юқори даражада эканлигини кўрсатади. Давенпорт ва Стеггерда ҳам негрлар блан оқлар ўртасида ҳосил бўлган мулат-метислар тўғрисида шу фикрни айтадилар. Э. Фишер объектив муҳокама қилишга қодир бўлган вақтларида голландиялилар блан готтентот хотинларидан ҳосил бўлган метисларнинг (рейобот бастард-

---

[1] *И. Сталин.* Марксизм ва миллий-колониаль масала. Ўздавнашр, 1941, бет 12. Марксизм ва миллий масала деган мақола.

лари деб аталучиларнинг) сифати жуда яхши бўлганлигини кўрсатиб ўтган эди.

Ирқларнинг аралашуви ижтимоий қонуниятларга бўйсунади. Америкада янги ерларнинг топилуви фойдапараст одамларнинг аскарлар ва муҳожирлар блан бирликда Америкага кўплаб келишига сабаб бўлди. Кейинчалик европали истилочилар экинзорларда ишлаш учун бирнеча аср давомида негр қулларни келтириб турдилар. Натижада Жанубий Америкада қисман европалилар блан ҳиндиларнинг (Жанубий Америка туб халқининг) аралашувидан ҳосил бўлган дурагай аҳоли, қисман европалилар блан негрлар ва негрлар блан ҳиндилар аралашувидан ҳосил бўлган дурагай аҳоли пайдо бўлди.

Ирқнинг аралашуви шундай бир фактки, бу нарса соф ирқлар бор деган ҳарқандай гапларни чиппакка чиқаради: халқларнинг ўзора муносабатларини та'минловчи турли факторлар та'сири остида метислашув-дурагайлашув бўлиб туради. Метислашув ба'зи жойларда кучсизроқ, ба'зи жойларда кучлироқ бўлади. Ер шарининг ба'зибир областьларида метислашув кейинги ўн йиллар мобайнида айниқса кучайиб кетди. Ирқларнинг аралашуви кучайган жойларда шундай бўлди. Ғарбий Суданда бир оиланинг ўзида турли ирқ типларидан бўлган одамлар: бир томондан арабларга яқин тип, иккинчи томондан негрларга

яқин типда бўлган одамлар учрайди. Мексикада мамлакатдаги 18 миллион аҳолининг 9 миллиони европалилар блан ҳиндиларнинг аралашувидан ҳосил бўлган типлардир.

Ирқ аралашувининг ҳархил замонда рўй беришига Ғарбий ва Шарқий Сибирь мисол бўлаолади: булардан биринчисида, я'ни Ғарбий Сибирьда ирқ аралашуви қадимги замонда рўй берган, бу нарса жуда эски мозорлардан топилган бош суяклари блан исбот қилинган, иккинчисида эса, ирқ аралашуви яқин замонларда рўй берди. Бу ҳол русларнинг Шарқий Сибирьга кўплаб кўчиб боришига боғлиқдир.

Шундай қилиб, ирқ типлари, бир томондан, айрим қабилаларнинг тарихдан бурун яккаланиб яшашларининг натижаси бўлса, иккинчи томондан, истилолар, урушлар, овқат излаб одамларнинг кўчишлари, сув ёки қуруқ йўллар блан бўлган мухожират вақтларида жуда кўп одамларнинг ўз жойларини мураккаб равишда ўзгартиришларининг натижасидир. Тарихий тараққиёт давомида ирқ белгилари, метислашув туфайли, жуда ҳам аралашиб кетди, бу эса ҳозирги замондаги аҳолининг ирқ составида жуда хилма-хил типларнинг рўй беришига сабабчи бўлди.

Ирқ тафовутларининг яна бир муҳим жиҳатини кўрсатиб ўтиш керакки, бу жиҳатга дастлаб Чарлз Дарвин э'тибор берган эди.

Қабилаларнинг энг дастлабки якқаланиш шаройитларида хунук блан чиройлик тўғрисидаги тасаввурга, аниқроқ қилиб айтганда, кишининг жинсий ҳаётига тааллуқли биологик белгиларда ўзгариш рўй бериши мумкин эди.

Дарвин киши баданида тук ва жунларнинг оз бўлиши каби белги ҳам жинсий ҳаётга жуда мураккаб равишда боғланганлигини кўрсатиб ўтади. Бу белги жуда муҳим: «...кишининг паст ҳайвонлардан фарқ қиладиган энг муҳим тафовути шуки, кишининг баданида жун йўқ»[1]. Дарвин ҳозирги замон кишисида жуннинг бутунлай деярлик йўқ бўлиб кетишига сабаб нима деган масалани текшириб, ба'зи кишиларнинг, гўё киши иссиқ иқлимда яшагани учун туксиз бўлиб қолди деган фаразини рад қилади.

Дарвин киши баданида жуннинг йўқ бўлиб кетиши жинсий танланишнинг натижаси деган хулосага келади: «Дастлаб эркак ёки, тўғриси, хотин безак учун баданидаги жунни йўқотган деган фикрдаман»[2].

Дарвин бу фикрни муфассал ривожлантириб, баданда жуннинг йўқолиши кишига ҳечқандай фойда еткизиши мумкин эмас эди, чунки баданда жуннинг йўқолиши блан киши

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор, 1908, бет 41.

[2] Ўша китоб, бет 42.

«қуёшнинг жазирама нурига дуч келади ва айниқса ёғингарчилик вақтларида тез совқотади»[1] дейди. Шу нарса муҳимки, бадандаги жун эркак блан хотин ўртасидаги жинсий тафовутни яққолроқ кўрсатади — «ер юзининг ҳамма қисмида хотинлар эркакларга қараганда кам жунроқ бўладилар»[2]. Бу нарса Дарвиннинг, баданда жуннинг йўқолиши жинсий ҳаётга боғлик ва бу нарса дастлаб хотинларда рўй берган деган фаразини қувватлайди. Хотинлар баданида жуннинг йўқолиши бориб-бориб бирнеча бўғин давомида эркакларда ҳам жуннинг унчалик кўп бўлмаса ҳам ҳар ҳолда анча камайишига сабаб бўлди.

Дарвин киши ирқларига баҳо беришга примитив равишда қарамаслик кераклигини уқдириб ўтади: «Брок, биз ер юзига тарқалган киши ирқларига умумий бир назар солсак, ҳатто кишилар турмушининг турли шароитлари та'сири остида жуда кўп вақт қолган бўлсаларда, бу хилма-хил турмуш шароитларининг бевосита та'сири остида шундай характерли белгилар келиб чиққан деган фикрни ма'қулламаслигимиз лозим. Эскимослар нуқул ҳайвонлардан ҳосил бўлган овқат блан кун кўрадилар; улар қалин тери кийимлар кийиб юрадилар ва доимо қаҳратон совуқ ва узоқ давом

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор, 1908, бет 470.

[2] Ўша китоб, бет 470.

қиладиган қоронғилик остида яшайдилар. Шунга қарамай улар нуқул ўсимликдан ҳосил бўлган овқат блан ризқланучи ва иссиқ ва ҳатто жазирама иқлимда ҳечбир кийим киймасдан деярлик кун кўручи Жанубий Хитой аҳолисидан унчалик фарқ қилмайдилар. Ўгли ер оролида яланғоч бўлиб яшовчи кишилар кун кечириш қийин бўлган ўз қирғоқларидаги денгиз жониворларини еб ризқланадилар; аммо Бразилиядаги ботокудлар мамлакат ичидаги иссиқ ўрмонларда изғиб юриб, нуқул ўсимлик блан ризқланадилар. Шунга қарамай, бу қабилалар бир-бирларига шу қадар ўхшайдиларки, Ўтли ер оролидан бўлган ва «Бигль» кемасига тушиб бораётган бирнеча кишини бразилиялилар ботокудлар деб ҳисобладилар. Иккинчи томондан, ботокудлар тропик Американинг бошқа халқлари сингари Атлантик океаннинг нариги қирғоғида яшовчи негрлардан жуда фарқ қиладилар, ҳолбуки бу мамлакатларнинг иқлими бирхил бўлиб, қабилаларнинг кун кечириши ҳам бирбирига жуда ўхшайди»[1].

Дарвин бу ерда, ирқ хусусиятлари муҳитнинг (иқлим, овқат ва бошқаларнинг) кишига бевосита та'сир қилиши сабабли рўй берган деб изоҳлаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу фикрни та'кидламоқ учун бутунлай янги

---

[1] Ўша китоб, бет 158.

табиий иқлим ва ижтимоий шароитга кўчирилган ирқ типининг то метислашиб кетгунча ўз хусусиятларини сақлаб турганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Чунончи, Америка Қўшма Штатларининг Ғарбий Африкадан қул холида келтирилган негрлари ўзларининг ирқ типларини сақлаб қолганлар.

Дарвин шундай хулосага келадики, «киши ирқларининг соч ранги, характери, башараси ва бошқа шулар жиҳатидан бўлган тафовути аслда, мантиқ жиҳатидан, танланишнинг та'сирига учраши лозим бўлган категорияга мансуб бўлиши лозим эди»[1].

Дарвин ирқий хусусиятларнинг пайдо бўлишида жинсий танланишнинг аҳамиятини шу ма'нода тушунадики, муайян бир қабилада гўзаллик ва хунуклик тўғрисидаги тасаввурнинг узоқ вақт сақланиб туришига сабаб бўлучи модалар, одатлар кишининг биологик табиатига ўз та'сирини ўтказган.

Турли халқларнинг гўзаллик тўғрисидаги тасаввурлари жуда хилма-хил (ба'зи халқлар лабни, бурунни, қулоқни тешиб қўйишни, киприкларни юлиб ташлашни, сочни олиб юришни ёки, аксинча, сочни хашаматли ва мураккаб қилиб тарашни, баданга ўйиб турли гуллар солишни, баданни, сочни, тирноқни,

[1] *Ч. Дарвин*. Происхождение человека и половой отбор, 1908, бет 160.

тишни ва бошқа жойларни бўяшни гўзаллик деб биладилар).

Дарвин бу хусусда қуйидагиларни ёзади: «Юқорида келтирилган мисоллар блан исбот қилинучи ниҳоят жуда ажойиб бир факт шуки, бош шаклини ўзгартириш, сочни безаш, баданни бўяш, баданга ўйиб ҳархил гуллар солиш, бурунни, лабни ва қулоқларни тешиш, тишларни суғуриб олиш ёки қайраш учун ишлатиладиган усуллар ер юзининг бир-биридан жуда узоқ бўлган айрим бўлакларида узоқ вақтлардан бери кўпгина қўлланиб келмокда ва қўлланиб келган. Шу қадар хилма-хил бўлган кўп халқлардаги бу одатлар бирон умумий манба'нинг кўрсатиши бўйича ривожланган деб ўйлаш ғоят маҳол бир нарсадир. Бу нарса ҳамма одамларнинг қандай иркдан бўлмасин ақллари бир-бирига ниҳоят ўхшашлигини кўрсатучи далил дейиш мумкин...»[1].

«Ҳар бир ирқнинг одамлари ўзлари кўрабериб кўникиб қолган нарсаларини афзалроқ деб ҳисоблайдилар; улар шу кўникилган нарсадан бутунлай бошқача бўлган ўзгаришларнинг ҳечбирини ёқтирмайдилар, лекин хилма-хилликни яхши кўрадилар ва ўз одатларидан му'тадил даражада четга чиққан ҳарқандай характерли белгиларга қойил қоладилар»[2].

---

[1] Ўша китоб, бет 451.
[2] Ўша китоб, бет 457.

Жова (Ява) оролида оқ қиз эмас, балки сариқ қиз энг чиройлик деб ҳисобланади. Кохинхилияли бир киши элчининг хотинидан жирканиб, бу хотиннинг «тишлари итнинг тиши каби оппоқ, юзи эса картошканинг гули сингари пушти»[1], деб гапирган.

Дарвин айтадики «хитой ва японларнинг кўзлари қисиқ бўлади, улар суратларда шу кўзларининг қисиқлигини жуда бўртдириб кўрсатадилар»[2]. Хитойнинг ичкариги вилоятларида яшовчи кишилар европалиларни оқ-юзли ва катта бурунли бўлганликлари учун жуда хунук деб ҳисоблайдилар. Хитойларнинг бурни пучуқ бўлганлиги сабабли улар, тарихчи Тсангнинг айтишига қараганда (VII аср), сингалезларнинг (Цейлон оролидаги одамларнинг) башарасини «кичик гавдасига ўрнатилган қуш тумшуғи» деб тасвирлаганлар.

Ирқ хусусиятларининг кўпчилиги қаердан келиб чиққанлигини изоҳловчи энг умумий сабаблардан бири деб жинсий танланишни кўрсатмоқ керак. Дарвин чиқарган умумий хулоса ҳозирги замон кишисидаги ирқ хусусиятларининг келиб чиқишини изоҳловчи энг умумий ва бирдан-бир материалистик фикрдир.

---

[1] *Ч Дарвин*. Происхождение человека и половой отбор, 1908. бет 453.

[2] Ўша китоб, бет 452.

Шу вақтгача бирдан-бир тўғри фикр бўлиб қолаётган бу хулосани Дарвин қуйидаги сўзлар блан ифодалайди:

«Киши ирқлари бир-биридан ва ўзига энг яқин бўлган тоифалардан ба'зибир белгилар блан фарқ қилишлиги, бу белгилар оддий ҳолларда кишиларга ҳечқандай фойда келтирмаганлиги ва бу белгиларнинг жинсий танланиш натижасида ўзгарганлиги жуда эҳтимол эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Биз шу нарсани кўрдикки, ...ҳар бир қабиланинг а'золари ўзларининг характерли белгиларини— юз ва бош шаклларини, гавданинг катта-кичиклигини, буруннинг катта ёки пучуқлигини, баданнинг рангини, сочнинг узунлигини, соқол ва жуннинг йўқлигини ёки соқолнинг қуюқлигини ва бошқа шунинг сингари нарсаларни кўриб хурсанд бўладилар. Бундан чиқиш эхтимоли бўлган хулоса шуки, ҳарбир қабиланинг энг кўп авлод ўстириш имкониятига эга бўлган энг кучли ва энг лаёқатли эркаклари кўп бўғинлар давомида энг типик ва бинобарин ўзларига энг ёқимли хотинларни хотинликка танлаб олганликлари сабабли мазкур белгилар аста-секин ва бора-бора кучайтирилган бўлса керак. Мен ўзим шундай хулосага келаманки, одамларнинг ирқлари ўртасида, шунингдек малум даражада одам блан паст ҳайвонлар ўртасида ташқи тафовут

туғдирган ҳамма сабаблардан энг фаоли жинсий танланиш бўлган бўлса керак»[1].

Бунга қўшимча қилиб шуни айтмоқ керакки, Льюис Генри Морганнинг «Қадимги замон жамияти» деган китобида кўплашиб эр-хотинлик қилиш теорияси баён қилинмасдан олти йил олдин Дарвин «Кишининг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш» деган китобини ёзган эди. Дарвиннинг жинсий танланиш рўй берган ижтимоий шароит тўғрисидаги фикрлари аниқ бўлмаганлигига сабаб ҳам мана шу. Дарвин Мак Леннан ва Леббокларнинг асарларидан фойдаланган эди, булар кўплашиб эр-хотинлик қилиш тўғрисида аниқ теорияга келмаган эдилар ва эр-хотинликнинг бу формасини промисквитет блан, я'ни бетартиб жинсий муносабатларда бўлиш блан чалкаштириб юборган эдилар.

Шу сабабли тарихдан бурунги қабилаларда эстетик танланиш рўй берган факторлар ва шароитларни аниқламоқ учун бу танланиш айрим шахсларнинг майлларини ва жуфт бўлиб яшашни истисно қилмайдиган шароитда, я'ни Энгельс айтганидек, кўплашиб эр-хотинлик қилиш шароитида рўй берганлигини назарда тутмоқ керак. Кўплашиб эр-хотинлик қилиш ҳуқуқи амалий ҳуқуқ бўлишдан кўра, кўпроқ расмий ҳуқуқ бўлган эди.

---

[1] *Ч. Дарвин.* Происхождение человека и половой отбор, 1908, бет 474.

Бу ерда муҳим нарса шуки, гўзаллик ва ҳунуклик тўғрисидаги умумий бир тасаввур фақат кўплашиб эр-хотинлик қилиш шаройитидагина ҳосил бўлар эди, шу сабабли муайян шаройитда шу қабиланинг ҳамма а'золари учун умумий бўлган белгилар сақланиб қолар эди. Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш керакки, ибтидоий қабилаларда ахлоқ ва одоб жуда покиза ва юқори даражада эди, бу нарса бизга Морганнинг асарларидан малум. Шу одоб ва ахлоқ қоидаларига кўра, қабиланинг ирқ тўғрисидаги идеалига тўғри келмайдиган белгилари бўлган қабила а'золари блан жинсий алоқада бўлишга йўл қўйилмас эди.

Ирқшунослик соҳасида ўрганилиши лозим бўлган проблемалар йўқ, ирқнинг пайдо бўлишига доир масалаларнинг ҳаммаси аниқланган деб ўйлаш бутунлай хато бўлар эди. Лекин фақат шуни айтиш мумкинки, ирқчиларнинг ёлғон ва сохта «теорияларини» рад қилиш учун аҳамияти бўлган масалаларнинг ҳаммаси тамомила ҳал этилган ва бартараф қилинган.

Шу айтилганларга асосан қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин.

Ирқ тафовутлари одамларнинг ақл қобилиятлари паст ёки юқори даражада бўлишига боғлик эмас, чунки ҳамма киши ирқларида бу қобилиятларнинг даражаси бирхил. Бу қобилиятларни ишлатиш эса жуда хилма-хил-

дир, бунга сабаб мураккаб ижтимоий шаройитларнинг, техника, иқтисодий ва маданий имкониятларнинг турли халқда ва турли халқларнинг айрим намояндаларида турлича бўлишидир.

Ирқ тафовутлари тарихдан бурунги қабилаларнинг ижтимоий яккаланиб қолиши натижасида пайдо бўлди ва шу сабабли ўткинчи бир тафовутдир; турли миллат ва мамлакат одамлари орасида тил, дин, табақа ва бошқа жиҳатлардан бўлган тўсиқлар йўқолиши блан бу тафовутлар ҳам аста-секин йўқ бўлиб кетади.

Ирқ типларининг ҳозирги вақтдаги тарқалиши ирқ типлари пайдо бўлган дастлабки марказларнинг та'сири натижасида рўй берганлиги кўриниб туради, броқ бу марказлар кейинги вақтларда қабилаларнинг кўчиб юришлари, урушлар, бир халқнинг иккинчи халқни қул қилиб олиши, забт этиши ва шу сабабли ирқларнинг аралашиб кетиши орқасида анча ўзгарди.

Ҳарбир ирқ типининг ўзига хос чиройликлари ва хунуклари бўлиши мумкин, гўзаллик тўғрисида муайян умумий бир идеал йўқ. Катта давлат бирлашмаларида гўзаллик тўғрисидаги ирқ идеали ўз аҳамиятини йўқотади, ва бунинг ўрнини одамларнинг гўзаллик тўғрисидаги хилма-хил хоҳиши эгаллайди. Дарвин бундай деб ёзган эди: «европали киши

қора баданнинг кўринишда ўзиникига қараганда анча ёқимли ва табиий эканлигига одатланиши учун бироз кўникишгина даркор»[1]. Бошқа ирқ белгиларининг ҳам ёқимли бўлиб кўринишлари учун шу каби бироз кўникиш керак.

Ҳамма замон ва халқларнинг барча ирқчилари одамларнинг орасини бузиш, одамларни бир-бирига душман қилиш мақсадида ирқ тафовутларини бўртдириб кўрсатучи ўз «теорияларини» вужудга келтирган бўлсалар, аммо Чарлз Дарвин ирқ хусусиятларининг аҳамияти тўғрисидаги ўзининг олижаноб ва инсониятпарвар теорияси блан одамларни бирлаштиришга йўл очди ва ирқ белгиларининг ўткучи бир нарса эканлигини кўрсатди.

Ўртоқ Сталин чинакам фаннинг бутун малумотларига асосланиб туриб ва бу фанга жуда қимматли материаллар киритиб, ирқчиларнинг ҳамма да'воларини пучга чиқарди ва бундай дейди:

«Илгариги вақтда, дун'ё қадимдан паст ва олий ирқларга, қораларга ва оқларга бўлинган, булардан биринчилари цивилизацияга қобил эмаслар ва эксплоатация объекти бўлишга маҳкумлар, иккинчилари эса бирдан-бир цивилизация ташучилар (носители) бўлиб, биринчиларини эксплоатация қилиш учун яра-

[1] Путешествие на корабле „Бигль", бет 338.

тилганлар деб ўйлаш «расм эди». Энди бу афсонани пачақланиб ва улоқтириб ташлаган деб ҳисобламоқ керак. Октябрь революциясининг энг муҳим натижаларидан бири шу фактдан иборатки, Октябрь революцияси озод қилинган, совет тараққиёти йўлига тортилган ва европали бўлмаган халқларнинг чинакам илғор маданиятни ва чинакам илғор цивилизацияни Европа халқларидан ҳечбир қолишмасдан илгарига силжитишга қобилиятли эканликларини амалда кўрсатиб, мазкур афсонага ўлим зарбасини берди»[1].

5. ФАШИСТ ХАРОМЗОДАЛАР ВА ОДАМХЎРЛАРНИНГ ИРҚ ТЎҒРИСИДАГИ АЛЖИРАШЛАРИ ВА БУНИНГ УЧУН УЛАРНИНГ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Фашистлар ирқчилик тўғрисида нуқул алжирашдан иборат бўлган ўз идеяларини ҳарқанча тарғиб қилсалар ҳам, лекин бу идеяларнинг фанга ҳечбир алоқаси бўлмаган сохта нарса эканлигини ўзлари яхши биладилар. Улар «олий ирқ» тўғрисидаги афсонани энг буюк олимлар аллақачонлар рад қилганликларини ҳам яхши биладилар. Фашистлар бу афсонани ўзларининг ички ва ташқи сиёсатлари-

[1] *И. Сталин.* Октябрь революциясининг халқаро характери. „Ленинизм масалалари", унбиринчи нашридан таржима, Ўзпартнашр, 1940, бет 173.

га негиз қилиб олиб алжирашдан иборат бўлган бу идеялардан онгли равишда ва атайин фойдаландилар. Ирқчиларнинг амалга оширабётган бу идеялари одамзоднинг бошига тарихда мисли кўрилмаган жуда катта кулфатларни солганлиги сабабли, улар ўзларининг барча кирди-корлари учун жиноий жавобгардирлар. Гарчи ноҳақ бўлса ҳам, ўз ишини ҳақ деб астайдил э'тиқод қилган бир тўда фанатиклар (эскилик тарафдорлари) устида сўз бормайди. Аксинча, ҳечқандай жиноятдан қайтмайдиган, ўзларининг қабиҳ мақсадларига эришмоқ учун бутун Европани ҳечбир тортинмай қонга ботирган фойдапараст ва пастарин муттаҳамларнинг жавобгарлиги устида сўз боради.

Мустамлака халқларида ва немис бўлмаган ҳамма халқларда фоҳишалик гени бор деб айтувчи Эуген Фишер каби фашист малайлари ҳам бутун инсониятнинг қаҳридан қочиб қутилаолмайдилар.

Бу сотқин кишилар фашистларга сохта фан бўлган евгеникани ва ирқчилик тўғрисидаги алжирашларни сиёсий террор воситасига айлантириш имкониятини туғдириб бердилар. Фашистлар ўзларига ёқмаган кишиларнинг ёстиғини қуритиш учун уларни зўрлаб бичишни қулай бир боҳана қилиб олдилар, ирқчилик эса фашистларга бутун инсоният жамиятини «эркин макон» деб қарашга имкон бер-

ди. Фашистлар бундай «эркин маконда» немис бўлмаган бошқа халқлар фақат қул ҳолидагина яшашга ҳақлидирлар, деб ҳисоблайдилар.

Босмачилардан ва жамият ташландиқларидан иборат бўлган бу шайка Чехословакия, Польша, Голландия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг маданияти нималигини биладими? Бу махлуқлар Мицкевич, Шопен, Коперник, Лавуазье, Гюго, Левенгук ва бошқа кўп олимлар ҳамда ёзучилар тўғрисида бирон нима биладими ахир? Одам қиёфатидаги бу орангутангларнинг бирдан-бир мақсади халойиқни бутунлай қириб юборишдир.

Фашистларнинг ирқ сиёсати ва миллий сиёсати бандитизмни халқаро ҳуқуқ қоидаси қилиб олган босмачилик сиёсатидир, ҳамма халқларнинг маданиятини емириш сиёсатидир, забт этилган мамлакатларнинг аҳолисини бир тўда фашист хўжайинларнинг, қонхўр ҳукмдорлар ва золимларнинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи тилсиз ҳайвонлар подасига айлантириш сиёсатидир.

Ўз ва'дасини юз марталаб бузган бу бетайинлар, ёлғончи ва муттаҳамлар онгсиз оммага «корпоратив» давлат тузамиз деб ва'да бериб лақиллатдилар, ҳақиқатда эса улар қулдорлик давлатининг нуқул йиртқичликдан иборат режимини вужудга келтирдилар.

Фашист қораюраклардан бири бўлган

Эвальд Банзе ўзининг «Уруш илми» деган китобида немисларнинг «олий» ирқ эканлиги тўғрисида фашизм демагогиясини тарғиб қилиб, урушнинг «биологик қуроли» тўғрисида ёзади. У сув манба'ларини ичтерлама микроблари блан заҳарлаш, битлар воситаси блан тепкили терлама тарқатиш ва каламушлар воситаси блан вабо тарқатиш керак, деб ўз хўжайинларига ошкора таклиф қилади. Бу ҳаромзода ёв мамлакатнинг энг ичкарисида яшовчи аҳоли орасига юқимли касаллар тарқатиш учун авиациядан фойдаланишни тавсия қилади.

Гитлер «интеллигенция миллатнинг сарқитлари» деб айтган эди. Бу қотиллар шайкаси ҳокимият тепасига чиққан куни 20 миллион дона китобни ёқиб катта гулхан қилиш блан зўр тантана ўтказган эди. Жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари — Горький ва Барбюснинг, Гейне ва Гюгонинг, Фейхтвангер, Манн, Ренн, Ромэн Роллан ва бошқа кўп ёзувчиларнинг китоблари ёндириб юборилди.

Фашист ҳукуматининг «маориф» бошлиги Геббельс бундай дейди: «Ақл-фаросат — характернинг вужудга келиши учун хавфдир... Ма'навий нарсаларнинг ҳаммаси жонимга тегди, ҳарбир босма сўз кўнглимни айнатади». Шунинг учун ҳам у, «маданият» деган сўзни эшитишим блан қуролимни қидирабошлайман, дейди.

Бу одамлар нима блан шуғулланадилар? Уларнинг машғулоти уруш қилиш, ҳарбий машиналарни тайёрлаш, ҳамма халқлар ва мамлакатларни мисли кўрилмаган даражада вайрон қилишдан иборат бўлиб қолди. Гитлер, Людовик XIV га тақлид қилиб, «Уруш — мен ўзимман» деб айтди. Гитлер бу блан ўзи тўғрисида бутун инсоният жамияти чиқарадиган ўлим ҳукмига қўл қўйди.

Фашистлар Вильгельм II нинг энг ашаддий ҳарбий намояндаларидан бўлган ба'зибир муттаҳамлардан фойдаланиб, уруш — инсоният жамиятининг нормаль бир ҳолатидир, деб да'во қилмоқдалар. Улар ҳамма нарсани фақат уруш учун яратадилар. Улар нуқул жиноятчи муттаҳамлардан иборат бўлган ўзларининг йиртқич армияларини фақат уруш қилиш учун вужудга келтирдилар.

Гитлер бундай деган эди: «Менга забардаст муштли, бирон кишининг ёстиғини қуритиш керак бўлиб қолган тақдирда принциплардан андиша қилмайдиган кишилар керак. Мабодо улар соат ёки қиййматбаҳо бирон нарсани ўмарсалар, бунга асло парво қилмайман». Фашист ҳукумати бошлиғининг фе'л-атвори мана шу!

Собиқ фашист Раушнинг «Гитлернинг менга айтганлари» деган ном остида Гитлерни фош қилиб ёзган китобида бундай дейди: «Қамоқ лагерьларида хизмат қилиш учун олинган турмачилар нуқул муттаҳам ва жи-

ноятчи унсурлар орасидан танлаб олинар эди. Мен бу тўғрида бирқанча қизиқ малумотлар тўпладим. Ўтакетган арақхўр, хулиган, ашаддий жиноятчиларни махсус яримҳарбий қўшилмаларга тўплар эдилар. Муайян сиёсий топшириқларни бажариш учун ўғриларни танлаш национал-социалистик режимнинг характерли белгисидир». Шунинг учун ҳам бу муттаҳамлар тўдаси яҳудийларни погром қилиб, мол-мулк ортдиришга ҳаракат қилганлигига тааж жубланмаслик керак. Ирқчилик «фани» таловчиликни, зўравонликни ва одам ўлдиришни кучайтиришга рағбатлантирди.

Шу «фан»нинг ўзи халқаро босқинчиликни тарғиб қилди. Ҳарқандай ёвни «паст» ирқ деб э'лон қилинса бас, унинг ери дарҳол «эркин макон» бўлиб қолаберади. Гитлер немис фашизмининг қўлланмаси бўлган ўзининг «Менинг курашим» деган китобида бундай деб ёзади: «Майда славян деҳқонларни ердан маҳрум қилиш ва уларни ерсиз пролетарларга айлантириш керак... Деҳқончиликка боп ерлар герман хўжайинлар синфининг қўлига ўтиши лозим. Шарқдаги ерларнинг ҳаммасида фақат немисларгина катта ер эгаси бўлишга ҳақлидирлар. Ёт ирқ, яшовчи мамлакат қуллар, қишлоқ хўжалик батраклари ёки саноат ишчилари мамлакатига айланиши лозим».

Улуғ рус халқининг ва ватанимиздаги бошқа буюк халқларнинг маданияти блан бу сиёсий авантюристнинг нима иши бор? Бу разил

ва нодон маҳлуқ Лев Толстой, Тургенев, Достоевский, Бородин, Мусоргский, Менделеев, И. П. Павлов, Руставели, Жамбул, Айвазовский ва мамлакатимиздаги бошқа кўпгина маданият арбобларининг асарларидан бирон нима тушунадими ахир? Унинг назарида буларнинг ҳаммаси беҳуда бир нарса ҳисобланади. У барча славян халқларини ва ер юзининг ҳамма томонида яшовчи халқларни, я'ни немислардан бўлак халқларни қулларга айлантирмоқчи. Бу қуллар немис хўжайини қандай хоҳласа, шундай яшашгагина ҳақлидирлар. Гитлернинг шогирди бўлган Дарре евгеника деб аталган босқинчилик «фанидан» қандай амалий хулоса чиқариш кераклигини жуда яхши тушунди. Дарре бундай дейди: «Биз энг яхши зотни танлаб оламиз. Биз ўзимизнинг эски Ганновер зотли отимизни зотдор айғир ва биялар танлаб олиб қайтадан вужудга келтирганимиз каби, бирнеча бўғин мобайнида мажбурий чатиштириш йўли блан Шимолий герман типини яна рўябга чиқарамиз». Ҳаромзодалар ва инсоният душманлари отхона евгеникасининг нуқул алжирашдан иборат бўлган идеяларидан мана шу тариқа фойдаланмоқдалар.

Гитлер бундай дейди: «Модомики мен бутун-бутун халқларни ўзимга бўйсундирмоқчи эканман, сиз мендан «аҳолини қисқартиш» нима деганингиз деб сўрарсиз. Албатта, шундай қиламан. Табиат шафқатсиз, биз ҳам

шафқатсиз бўлишга ҳақлимиз... Ҳашаротлар каби кўпаючи паст иркдан бўлган миллион-миллион одамларни қиришга ҳақли эканлигимга ким тўсқинлик қилиши мумкин». Мана шу гапларни айтган харомзода ва разил махлуқ тўғрисида Бавария Фанлар академиясининг президенти ирқчи профессор фон-Губер Гитлернинг ҳокимият тепасига чиқиши олдидан бундай деб ёзган эди: «Мен Гитлерни яқинроқдан кўрдим. Унинг башараси ва калласи ёмон ирққа мансублигини кўрсатади. Метис. Пешанаси тор, хунук бурун, ялпоқ юз, биткўз, қора соч бир махлуқ». Фашизм «йўлбошчисига» берилган бу баҳо кулги журналларидан бирида Г. Гейненинг «Хачирнинг шажараси» деган ше'ридан олинган қуйидаги парча билан бирликда босилиб чиққан эди:

«...Отанг бир эшак эди,
Бундан барча хабардор;
Лекин мақтанчоқ онанг
Байталдир яхши-зотдор.

Ўзинг эса хачирсан.
Инкор этолмайсан хеч,
От зотиданман,— дея
Гапиравер эрта-кеч...».

Европанинг фашистлар босиб олган ва эзилаётган мамлакатларида қулдорлик ва ўрта-асрчиликнинг энг ёмон даврларидаги аҳвол вужудга келтирилди.

Ашаддий ва ёвуз фашистларнинг жиноятларини ўлчаш учун ҳечқандай ўлчов йўқ. Шу режимни ўрнатган ва ўз манфаатини ва ўз фойдасини кўзлаб уни бутун дун'ёга ейишга ҳаракат қилаётган бир тўда сиёсий авант-

юристлар тўдаси принципсиз аблахлар, энг разил қотиллар, хотинларни уялмай зўрловчилар ва болаларни кўплаб ўлдирувчилар шайкасидан бўлак нарса эмас. Бутун инсоният бу шайка устидан ўлим ҳукмини аллақачон чиқариб қўйди. Келажак замоннинг одамлари фашизмнинг инсониятга нафрат блан қарашдан иборат бўлган сиёсатни ўтказишда қўлланган воситалари, ишлатган туҳмат ва буҳтонлари нималардан иборат бўлганлигини тажрибали раҳбар ёрдами блангина тарих музейларидан кўриб биладилар. Фашизм тарих музейларида ўрта асрларнинг инквизиторлари ва погромчилари блан бир қаторда «фахрий» жой олажак.

Герострат пастарин шуҳратпарастликка берилиб, ҳарқандай қилиб бўлса ҳам ном чиқаришга, тарихда ном қолдиришга ҳавас қилган эди. У бунинг учун Артемиданинг Эфесдаги ҳашаматли ибодатхонасига ўт қўйишдан бўлак яхшироқ чора топмади.

Бефаҳм ва лаёқатсиз суратқаш Адольф Гитлер бекордан-бекорга вайрон қилиш, каттакатта жиноятлар қилиш блан ном чиқармоқчи бўлди. Гитлер шуҳратпарастликка берилиб кетиб, бутун инсониятга мислсиз катта жиноятлар қилди.

У бутун немис халқини юганлаб, унинг ҳамма кучидан фойдаланди ва Германиянинг техника соҳасидаги барча имкониятларини бутунбутун давлатларни бандитларча ҳужум қи-

лишдан иборат бўлган энг разил ишлар учун ишлатди.

Эдгар Понинг «Морг кўчасидаги жиноят» деган ҳикояси бор. Париждаги мансардада яшовчи бир матроснинг Борнео оролидан келтирган оранг-утани бор эди. Оранг-утан ўз хўжайинининг ойнага қараб соқол олганини кўпинча кўзатиб юрарди. Кунлардан бир кун оранг-утан хўжайини йўқ вақтда ўз ҳунарини кўрсатмоқчи бўлган. Натижада нима бўлганлигини ҳечким билмайди, лекин шу уйнинг пастки қаватларидан бирида вахшийларча ўлдирилган кекса бир хотиннинг ўлигини топиб оладилар: унинг боши қандайдир бир ўткир яроғ блан танасидан жудо қилинган ва бутун гавдаси блан бирликда зўр куч блан кичкина ўчоққа тиқилган. Томнинг бошида устара ушлаб ўтирган оранг-утанни тутиб олганларидан кейингина, Морг кўчасида бўлган жиноятнинг сири очилади.

Фашизм образи — Эдгар По яратган образ, я'ни устара ушлаб олган оранг-утан образидир. Одам қиёфатидаги йиртқичлар энг маданий мамлакатлардан бирининг баланд техникасини эгаллаб олдилар ва инсониятга ёрдамлашиш ўрнига бу техникани вахшиёна вайронгарчилик қилиш учун ишга солдилар.

Бутун дун'ё куролли кишиларнинг қуролли оранг-утан блан бўлаётган тўқнашувини зўр диққат блан кузатиб турибди. Бу тўқнашув

Европанинг тақдирини — бутун дун'ёнинг тақдирини ҳал қилади.

Инсониятнинг бутун демократик ва илғор табақалари Совет Иттифоқи томонида, унинг энг кенг миқ'ёсдаги демократизмни тарғиб қилучи буюк принциплари томонида, Совет Иттифоқининг граждапларини қайси миллатдан бўлишларига ва қандай ирқ белгиларига эга бўлишларига қарамай буткул ва ҳеч сўзсиз тенгҳуқуқли қилиш снёсати томонидадирлар. Бу снёсат аҳамияти ғоят буюк бўлган ҳужжатга — Сталин Конституциясига ёзилган. Шу конституциянинг 123 моддасида бундай дейилади: «СССР граждапларининг миллати ва ирқига қарамасдан хўжалик, давлат, маданият ва ижтимоий-снёсий ҳаётнинг барча соҳаларида тенгҳуқуқли бўлиши ўзгармас, қат'ий қонундир.

Граждапларнинг ирқига ва миллатига қараб, уларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита қандай бўлмасин чегаралаш ёки, аксинча, уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар тайинлаш, шу блан бирга миллий ёки ирқий ортиқликни ёки душманлик ва менсимасликни тарғиб қилиш қонун томонидан жазоланади». Ёки, буюк шоир Жамбул шундай дейди:

«Бепоён кенгликларда, ҳарбир ерда
Халқларнинг дўстона яшашин кўрдим.
Яқинда қамчи, ўқ ҳукмрон ерда
Ҳозир мен дўстона сўзлар эшитдим.

Кўзига қон тўлган қабилаларнинг
Бир-бирига душманлиги қаёқда қолди?
Одат ҳукмига кирган, сингиган
Душманлик қонуни қаёқда қолди?
Бошларда ўйнаган қилич, найзалар—
Дар'ё бўлиб оққан қонлар қаёқда қолди.
Сталин қуёши нур сочган ҳамон
Бу низо', жанжаллар тугади тамом!»

Жамбул

(Халқлар бродарлиги ҳақида қўшиқ).

Совет Иттифоқи — кўп миллатлардан иборат аҳил оила бўлиб, бу оилада жуда кўп хилма-хил ирқ типлари бор. Бу оилада ҳеч-ким маданий қурилишга бирдан-бир қобилиятли «олий» ирқ деб ажратилиши мумкин эмас. Аксинча, «олий» ва «паст» ирқларга ажратиш йўлидаги ҳарқандай уринишларга жиноий жазо берилади. Миллий ёки ирқий адоват туғдирувчи шахслар СССР қонунларига мувофиқ тўғридан-тўғри жиноятчи деб ҳисобланадилар. Меҳнаткашлар ўртасида адоват туғдирадиган, бир кишини иккинчи кишига душман қилиб қўядиган ҳарқандай ҳаракат жиноят деб ҳисобланади.

Бир кун вақти келадики, Германиянинг жаҳонни қон дар'ёсига ботирган қонхўр фашист ҳукмдорлар тўдаси ҳам ўзининг даҳшатли жиноятлари учун жавоб беради. Бу қонхўр фашист ҳукмдорлар тўдаси кўп мамлакатларнинг озодлиги ва маданиятини поймол қилганлиги учун, юз минглаб кишиларнинг ёстиғини

қуритганлиги учун, бутун-бутун мамлакатларни хонавайрон қилганлиги ва қашшоқлаштирганлиги, маданиятнинг энг буюк ёдгорларини емирганлиги, кўп асрлар натижасида одамларнинг меҳнати блан вужудга келган шаҳарларни ҳечбир суриштирмай ҳароб қилганлиги учун, хотин-қизларни зўрлаганлиги ва болаларни кўплаб ўлдирганлиги учун, кишилик фазилатларини таҳқир этганлиги, илм-фан деган улуғ сўзни разиллаштиргани учун жавоб беради. Хабашлар ва испан халқи қаҳрамон болаларининг кўплаб қатл этилганлиги, французлар, бельгиялилар, голландиялилар, чехлар, поляклар, даниялилар, яҳудийлар, норвегиялилар, серблар, грекларнинг қулликдан оч қолиб ўлишлари қасос талаб қилмоқдалар ва бу қасос куни тобора яқинлашмоқда. Бутун инсоният прогрессив кучларининг иттифоқи Қизил Армия етакчилигида фашист каллакесарлардан қасос олади. Қизил Армия озодлик ва прогресснинг қуроли, бутун прогрессив кишиликнинг умиди, фашизм эзиб ётган барча халқларнинг ўз озодлиги учун курашидаги олдинги жабҳадир.

Қизил Армия инсоният душманларининг қора кучлари блан олиб бораётган даҳшатли кураш пайтларида совет халқининг бутун кучлари большевиклар партияси ҳамда бу партиянинг йўлбошчиси, бутун прогрессив инсониятнинг дўсти Иосиф Виссарионович Сталин атрофида жипслашди.
